
БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 29 август
Чоршанба
№ 163 (13.599).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •



Яна икки кундан сўнг мактабларда янги ўқув йилига чорловчи қўнғироқлар чалинади. Шу боисдан кўпгина билим масканларида сўнгги бор тартибга солиш юмушлари бажарилаётир. Калинин номли мактаб ўқувчилари Зебо Қосимова ва Замира Дўлобовалар ўз синф хоналарининг атрофини тартибга солиб янги ўқув йилига ҳозирлаётган пайтларида Қарши ноҳиясидаги Карл Маркс номли давлат хўжалигининг комсомол қўмитаси котиби Мурод Ражапов келиб қолди.

Ж. БОБОРАҲМАТ олган суратда уларнинг суҳбатлашиб турган пайтлари акс этган.

Ўқитувчиларнинг август кенгашлари

## Олтин медаль кимники?

СИЗ НИМА дейсиз — билмадиму, лекин меҳнат, билим тўғри ва муносиб баҳосини олавермайди. Ва таассуфки, бунга анчагина «кўникма» ҳам ҳосил қилганмиз. Адолатнинг қарор топиши баъзан жуда қийин кўчади. Турғунлик йилларида нолойиқ ва номуносиб раҳбарлардан қанча-қанчаси қип-қизил кўзбўямачилик билан ҳукуматнинг қатор-қатор орден ва нишонларини кўксиларига тақишди. Халқимизнинг кўзига чўп суққан неча-неча акобирлар, валломат зотлар не бир унвонларни олишмади, дейсиз. Ҳозир эса ана шундай иззатталаб, «орденталаб», «унвонталаб» қанча-қанча «улуғ»ларнинг темир ниқоби йиртилганлигини эл-улус аён кўриб турибди. Ким билади, ҳали ниқоби йиртилмаганлари ҳам кўпдир... Қолаверса, ўша йилларнинг «мукофотпарастлик» касали ҳозир ҳам гоҳо ошкора, гоҳо енг ичида давом этмаётир, деб ким кафолат бера олади?

Яна денг, бизда мукофотпарастлик жуда ёшликдан бошланади. Айтайлик, ҳали мактаб партасида ўтирган ўғил-қизга у ёки бу муносабат билан (сабаб эса кўп) ҳукуматнинг медалини, жумҳуриятнинг, вилоят ёки ноҳиянинг фахрий ёрлиғини олиб беришади. Бундай ҳурматга сазовор бўлганлар орасида оддий пахтакорнинг, чорвадорнинг, боғбон ёҳуд қурувчининг фарзандини камдан-кам ҳолларда учратасиз. Афсуски, кўпчилиги «улуғ»ларнинг болалари бўлади. Аслида иззатталаб, мукофотпараст, худбин одам осмондан тушмайди, балки уни биз ўз хоҳишимиз билан авайлаб кўтарамиз. Энг ёмони, ёшлигидан мукофот олиб ўрганган ўсмир бир кун балоғат остонасидан ҳатлаганда ҳам, борингки, ёшулли бўлганида ҳам кўнгли мукофот тусаб тураверади. Бунга аслида ўзи лойиқми, нолойиқми, балки ўйлаб ҳам ўтирмас, ёки бўлмаса у ўзини олий мартабаларга ҳамиша ва ягона лойиқ одам санаб юрар... Чунки унинг шундай фикр юритишига, иш олиб боришига бизда замин, имкон бор...

...Ўрта мактаб ўқувчилари орасида (ёши катталар орасида ҳам )турли хил гаплар олтин медаль борасида бўлади. «Олтин медални қўли узун одамнинг боласи олади!» деган гапни ҳам эшитасиз. Олтин медаль соҳибларининг мактабни тугатгандан кейинги тақдирлари, эришган ёки мутлақо эришмаган ютуқлари билан қизиқасиз-у, юқоридаги гап-сўзларда ҳам асос борга ўхшайди, деган нохуш шубҳага борасиз.

...Олтин медаль олган ўсмир бир дунё бўлиб, тантанавор кайфиятда олий даргоҳга йўл олади ва... дастлабки имтиҳондан гупиллаб «йиқилади». Худди ўша пайтда у олтин медалнинг барибир билим эмаслигини англаб етар ёки етмас. Кейин изидан шов-шув тарқалади: «фалончи ўқишга киролмабди, олтин медаль биланам-а, қизиқ!». Билим савияси ўртача бўлган ўсмир олий даргоҳга кирди ҳам дейлик. Таниш-билишчилик бўлар, борингки, омад кулиб боқар, балки айни ўша куллиётга абитуриент кам бўлиб чиқар Лекин у кейинчалик ҳам барибир, «ўртача» одам, «ўртача» мутахассис бўлиб қолаверади. Қозонда бори чўмичга чиқади-да, бошқача бўлиши ҳеч мумкин эмас. Мўъжиза эса, баъзан хайрихоҳлар истагандек рўй бермайди. Оқибат натижада олтин медаль мўъжиза содир этолмайди, балки ақл-идрок, илм, инсон тафаккури мўъжизага қодир.

Балки «Сиз агарки, ўсмир олтин медалга лойиқ эмас экан, унда нега уни мактаб, қолаверса, ноҳия халқ таълимидаги валломатлар катта бошларини кичик қилиб тавсия этадилар?» дея сўрашингиз мумкин. Гап шундаки, ўсмирнинг ёки ота-онанинг бу орзусига (қизиқсиз, қайси ота-она ўғли ёки қизининг олтин медаль олишини истамайди!) ўша мактаб раҳбарияти ҳам, ноҳия ва қолаверса, вилоят халқ таълими идорасида ўтирган баъзи раҳбар ходимлар ҳам дарвозани кенг очиб беришади. 1989 йилда Сурхондарё вилояти бўйича 72 нафар битирувчи олтин медаль билан тақдирланган эди. Уларнинг 62 нафари институт ва техникумларга киришди. 8 нафари ....«йиқилди». Демак, улар ҳаттоки, ўртача билимга ҳам эга эмас экан-да! Улар Термиз шаҳридаги К. Маркс номли 3-, Жарқўрғон ноҳиясидаги 11-, Бойсун ноҳиясидаги А. Набиев номли 47-, Гагарин ноҳиясидаги Навоий номли 19-, Термиз ноҳиясидаги А. Набиев номли 9-, Сариосиё ноҳиясидаги Менделеев номли 45-, Олтинсой ноҳиясидаги 22-ўрта мактабларнинг катта ишонч билдирилган собиқ ўқувчиларидир. Биз юқорида тилга олган Олтинсой ноҳиясидаги айни бир мактабдан икки нафар ўқувчи олтин медаль соҳиби бўлишган ва иккаласи ҳам ўқишдан «йиқилган». Ана шу саккиз нафар ўсмирнинг медаль олишида очиқ-ойдин «келишувчилик», «битимлар» бўлганига ишонмаслик жуда қийин... Йўқса, билими «ҳаминқадар» бўлган ўқувчига «мана, сенга азамат» деб олтин медаль бериб ўтиришмасди. Шундай эмасми?

Башарти, саккиз нафар «омадсиз» медаль соҳибининг билимсизлик, саводсизлик туфайли ўқишга киролмаганликлари шунчаки эсдан чиқиб кетадиган, кейинчалик муҳокама-баҳсларга, ҳар хил шубҳали гап-сўзларга сабаб бўлмайдиган арзимас воқеа, ҳодиса бўлиб қолганида эди, бошқа гап бўларди. Лекин шундай бўлмайди-да. Бу нарса ота-оналар ўртасида ҳам, айниқса, ҳақиқатга, адолатга ҳамиша ташна ўқувчилар қалбида ҳам қаттиқ оғриқ уйғотади. Агар ўқувчики, адолатсизликнинг гувоҳи бўлса, бу — барчамиз учун, хусусан, муаллимлар учун шармандалик, кечириб бўлмас ҳолдир. Кейин у бир умр «биродарлар, ҳақиқат бор деб овора бўлманг, ҳақиқат осмонда!» деб юрадиган бўлади. Қани, ундаги бу фикрни жойидан силжитиб кўрингчи...

Борингки, юзхотирчилик, таниш-билишчилик йўли билан хорижда тикилган кўйлак, пойафзал, пиқиқ-пухта ясалган гарнитур сотиб олиш мумкиндир. Лекин маърифатни, савод-илмни, иқтидорни на таниш-билишчилик ва на келишувчилик йўли билан олиб бўлмаслиги мутлоқ ҳақиқатдир. Табиатан зеҳни, иқтидори бўлмаган ўсмирни чор-тарафидан тирговчи қўйиб олтин медаль олиб берасизми, энг мартабали олий ўқув юртига жойлаб қўясизми, кейин эса.. таниш-билиш қилиб амал курсисига ўтказасизми, барибир, у халқ учун, жамият учун мева бермайди. Борингки, у пулдор бўлар, борингки, янада баландроқ мансабларни «забт» этар, лекин у юртпарвар, миллатпарвар бўлмайди. У пулпарвар бўлар, курсипарвар бўлар, худбин бўлар, лекин бошқа бир одамга, эзгу ниятли одамга эврилиб кетмаслиги аён. Энг ёмони шундаки, бундайлар келгусида ўзига ўхшаган яна ўнлаб, балки юзлаб ноқобил одамларнинг чуқур илдиз отишига сабабчи бўлар. Ахир, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам, кўкаради, дейдилар-ку. Нега ахир, биз яхшиликнинг, эзгуликнинг уруғини кўпроқ экмаймиз...

...СССРдан бадарға қилинган Иосиф Бродский — эндиликда АҚШ фуқароси, дунёнинг машҳур шоирларидан бири, халқаро Нобель мукофоти лауреати — диплом тугул, ҳатто, ўрта мактабни тугатганлик ҳақидаги аттестатга ҳам эга эмас. Бироқ у эндиликда, яъни XX асрнинг илғор одамларидан бири, профессори бўлди, академик бўлди.

Асосан Амирқода яшаб ижод этган машҳур рус муҳожир ёзувчиси Владимир Набоков 1945 йилнинг 26 ноябрида (бундан 44 йил муқаддам!) Чехословакияда истиқомат қилаётган синглиси Еленага ёзган мактубида жумладан, шундай дейди: «Мени Калифорния дорилфунунига лекциялар ўқиш учун таклиф этишди. Бу ерда ақл ва истеъдод фавқулодда юксак қадрланади». Дарвоқе, Амирқода Сизнинг уруғ-аймоғингизнинг кимлиги ёки чўнтакдаги пулингизга қараб илмий унвон ҳам, мукофот ҳам беришмайди. Агар қўлингиздан келмаса, мансаб курсисига ўтказишмайди ҳам. Сизни у ерда пировард натижада ақл, теран илм, ҳунар қутқаради. Сиз ана шундай фазилатлар туфайлигина жамиятдан ўзингизнинг муносиб ўрнингизни топа олишингиз мумкин.

1975 йилдан бери Амирқода яшаётган рус муҳожир адибларидан бири Саша Соколов яқинда алам билан шундай деган эди: «Хорижда ўн тўрт йил яшаган бўлсам, ҳеч ким мендан дипломинг борми, ранги-рўйи қандай деб сўраган эмас. Йўғасам, менинг бинойидек дипломим бор. Лекин мендан нима ёзишим ва қандай ёзишим, ёза олишим ҳақида бот-бот сўрашарди. Менимча, аслида ҳам шундай бўлиши керак. Бизда эса (мен Россия ҳақида айтаяпман, нафрат билан эмас, дард-ҳасрат билан айтаяпман бу гапни) ўлик, гербарий янглиғ ранг-туссиз тушунча чуқур илдиз отган: ҳамма нарса учун қоғоз керак, диплом керак, вассалом». («Собеседник» ҳафталиги 1989 йил. 30-сон). Ёзувчининг фикрига қўшилмаслик, уни ақалли тариқча бўлса-да рад қилиш учун эса бизда, афсуслар бўлсинки, асос йўқ. Бизни қоғозбозлик, маърифатдан юз ўгириш шундай кунларга гирифтор қилди...

Ичи куйган бир зот қачонлардир «дард қайси, дармон қайси, билмадим», деган экан. Шунга ўхшаш бизда ҳам ғалати бир ўлчовми, тушунчами, ишқилиб, чуқур томир ёзган. Баъзи табиатан ўқувсиз, лаёқат, интилиши ҳам ўртача ва ундан пастроқ бўлган йигит-қизларни «истеъдодли, изланувчан, илмпарвар», дея ва ҳатто, «келгусида яхши раҳбар бўлади», деб тавсия қилишади. Ва шунга яраша уларга кенг йўл очиб берилади. Шундай қилиб, бир куни худбин, эл-юртнинг дардидан буткул ёт раҳбарчалар, чин маънодаги маърифатдан, илмдан тамомила бегона бўлган қалбаки олимлар пайдо бўлади. Сиз бир томонда «дод» дейсизми, «фарёд» дейсизми, воқеалар ана шу тақдирда шиддат билан ривожлана боради.

...Вилоят рўзномасида ишлаганлигим учун турли хил хатларга дуч келаман. Уларнинг ҳар бири у ёки бу муаллифнинг феъл-атвори, айниқса, саводи, илмидан муайян даражада хабар беради. Олий даргоҳ талабаларидан бири мунтазам хат-хабарлар ёзиб туради. Унинг хатларини такрор-такрор ўқийман-у, ҳайратим чегара билмайди: у қандай қилиб, ўқишга кирди экан? Институтга ким киритган?.. У бизга йўллаган — 137 сўздан иборат бир хабарида 45 та имло хатога йўл қўйган. Яъни, ҳар учта сўзнинг бирида хато ёзган. Хабардаги жумла хатоларини, пала-партишликни, мантиқнинг йўқлигини, келинг, мен айтмай. Бу «илми-толиб» йигитни ўрта мактабда ким ўқитган, кейин эса ким уни «қониқиш» билан институтга қабул қилган? Майли денг, майли, бу нарса муаллимларнинг, унга олий даргоҳ эшикларини ланг очиб берган олимларнинг виждонига ҳавола бўлсин. Лекин бу йигит диплом олади, кейин... ўрта мактабга муаллим бўлиб боради, кейин эса...

Илм-дунёдаги жамики эзгу ишларнинг бошланишидир. Бу қутлуғ ишда, бу муқаддас йўлда, бизнинг-ча, ёлғиз ва ёлғиз виждон, диёнат ҳакамлик қилмоғи керак. Нега энди шундай экан, олтин ёҳуд кумуш медаль олиб лаёқатсизлигини намойиш этаётган йигит-қизларнинг тақдири бизга ҳа деганда сабоқ бўлавермайди? Нега энди биз истеъдод, қобилият билан кўрсаводлик, илмсизлик ўртасидаги қадимий чегараларни йўқотиб қўйдик? Кўҳна ва донишманд Шарқда устозларга, муаллимларга, илму маърифатга ҳамиша алоҳида ҳурмат-эҳтиром билан қараб келганлар. Бугун-чи, бугун қандай? Бугун ана шу ҳурмат-эҳтиромга путур етмадимикин?.. Шу ҳақда бирон марота ўйлаб кўрганмисиз? Ҳали ўрта мактаб партасида ўтирган ўсмир шогирди билан «яримта»ни ўртада майдалаётган, «ҳамкорлик»да сигарета тутатаётган ёхуд нос отаётган муаллимга нималар деган бўлардингиз? Ёхуд ота-онаси амалдор бўлган ўқувчига атайлаб (гарчи нолойиқ эса-да) баҳосини ошириб қўяётган ва шу билан лаганбардорлигини очиқ-ойдин намойиш қилаётган муаллимга-чи? «Фалончи Фалончиев»нинг хулқи ўртача, билими суст ўғли ёки қизига олтин ёки кумуш медаль олиб бериш ташвишида юрган мактаб директорига, халқ таълими бўлими мудирига айтадиган бирор бир гапингиз йўқми?!

Билмадим, нимагадир, биз ҳар не бўлганда ҳам, замон неча бор эврилганда ҳам муаллимлар, устозлар ҳақиқатга хиёнат қилмасликлари, адолатнинг кўзига чўп суқмасликлари керак, деган кўҳна ақида билан яшаймиз. Лекин... кўзларини чирт юмиб нолойиқ ва мутлақо номуносиб ўқувчини олтин ёки кумуш медалга, мукофотга тавсия этган (балки тавсия этаётган) муаллим-устозларнинг тиллари қисиқми?! Билмадик...

...1989 ЙИЛИ Сурхондарё вилоятидан олтин медаль олган 8 нафар, кумуш медаль олган 12 нафар йигит-қиз ўқишга киролмадилар... Нима учун? Бу савол Сизни озгина бўлса-да, қийнамайдими, азиз муаллимлар?!

Маҳмуд АБУЛФАЙИЗОВ,
Сурхондарё вилояти.

«Обуна—91»

## Акция 8-га белгиланган...

**Ёшлар рўзномалари муштарийлари, ҳамкасб журналистлар, матбаачилар, алоқачилар ва барча даражадаги халқ депутатларига**

Биз, ёшлар матбуотининг ходимлари таҳририятларимиз тушиб қолган вазият юзасидан ўз нуқтаи назаримизни очиқ-ойдин билдиришга мажбурмиз.

Биз бошқа даврда яшаяпмиз, лекин эркинлик аввалгидек турмуш шароити бўлиб қолиши — бу кимларгадир ёқмаяпти. Эркинлик зўрлик билан тиқиштирилар экан — унда бу бошқача ном билан аталади. Ёшлар рўзномалари кўп йиллар мобайнида фойда келтирди, бирдан эса қоғознинг, матбаа ва тарқатиш хизматининг нархи икки карра ва ундан зиёдга ошиши билан берилган эркинлик оғир юк бўлиб тушмоқда.

Обуна бошланишидан ярим ой олдин шартнома баҳоси бўйича қоғозни олиб келиш эркинлиги.

Журналист жамоалари кўп йиллар мобайнида ишлаган ва комсомол матбуоти умумий даромадлари ҳисобига кўп карра ўзини оқлаган иш хоналарини янги баҳо бўйича ижарага бериш эркинлиги.

Муштарийларнинг рози-ризолигини сўрамасдан ўз муаммоларини уларнинг ҳисобидан ҳал этиш эркинлиги.

Бизга бундай қашшоқлаштирадиган эркинликнинг кераги йўқ. Бу йўлнинг охири ёшлар матбуоти умрига завол бўлиши мумкин.

Биз матбаачиларга: ҳарф терувчилар, саҳифаловчилар, босувчиларга ва рўзнома чиқариш бўйича барча ҳамкасбларга мурожаат этамиз. Биз умумий ишни бажара бориб, биргаликда кўпгина қийин вақтларни бошимиздан кечирдик. Бу гал ҳам бир-биримизни қўллаб-қувватлайлик!

Биз алоқачиларга «Союзпечать» ходимларига мурожаат этамиз: сизнинг оғир меҳнатингизга маошингиз мувофик эмаслигида бизнинг, ёшлар рўзномасининг айби йўқ. Биз бирлашишни таклиф этамиз!

Биз халқ депутатларига мурожаат этамиз: ўша биз сиз билан бирга курашган — ошкоралик ва сўз эркинлиги хавф остида! Шундай экан унда матбуот тўғрисидаги Қонун нимага зарур?

Биз муштарийларимизга мурожаат этамиз, улар орасида, айтгандек, матбаачилар ҳам, алоқачилар ҳам, халқ депутатлари ҳам, шунчаки оддий ўқувчилар ҳам бўлиб, ёшлар матбуоти энг арзон ва ҳаммага етиб борадиган бўлишига ҚАНДАЙ эришилганлигига шу пайтгача бефарқ эдилар. Дўстлар! Бу гал сизнинг сўзингиз ҳал қилувчи сўз бўлмоғи лозим.

**1990 йил 8 сентябрда журналистларнинг Халқаро бирдамлик кунида биз мамлакатнинг барча ёшлар оммавий ахборот воситалари бирдамлик акциясини ўтказишни таклиф қиламиз.**

**Т. ДЕНИСОВА, «Новое поколение» рўзномасининг муҳаррири (Оренбург); С. РУДАКОВА, «Молодая гвардия» рўзномаси муҳарриринииг ўринбосари (Курск) ва бошқалар. Жами 19 имзо.**

1990 йил 24 август.

## УШБУ СОН САҲИФАЛАНАЁТГАНДА

**Дмитрий ГЛАВАТСКИХ, БЛКЁИ Марказий Қўмитаси сиёсат ва маданият бўлимининг мудири:**

**Улар мурожаатини тушуниш мумкин, дўстлар. Ҳақиқатан, туб моҳияти жиҳатидан муаммо ғоят ўткир бўлиб қолди, гап эртага ёшлар рўзномасининг бўлиши ёки бўлмаслиги ҳақида бормоқда.**

**Сўнгги кунларда фирқа Марказий Қўмитасида бир неча учрашув бўлиб ўтганлигини маълум қилмоқчиман. Бизнинг таклифларимиз моҳияти шундан иборатки, маҳаллий фирқа ва комсомол қўмиталарига фирқа органларининг нашриётлари таркибидан ёшлар ва болалар нашрларини ажратишни мустақил белгилаш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқдир. Агар мана шундай қарор қабул қилинган ҳолда, биз ёшлар нашрларининг эгаллаб турган хоналарини, ишни ташкил қилишга ёрдам берадиган техникани қолдириш ва шартномалар тузиш пайтида фирқа нашрларини босиш нархига мувофиқ нархлардан келиб чиқишимиз мумкин бўлади. КПСС Марказий Қўмитасида ана шу таклифларимизни тушунган ҳолда, уларни ғоят диққат-эътибор билан кўриб чиқишга тайёр эканликларини билдиришди.**

**Имкониятдан фойдаланиб шуни айтмоқчиманки, 4-5 сентябрда БЛКЁИ Марказий Қўмитасида мамлакат ёшлар нашрларининг муҳаррирлари билан учрашув бўлади. Унда ана шу масалалар муҳокама этилади.**

**СИЗНИНГ ТАКЛИФЛАРИНГИЗНИ, САВОЛЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ.**

*Шу сонга хабар*

### Янги ўқув йилига

ТОШКЕНТ вилоятининг Улуғбек посёлкасида янги ўқув йили арафасида мингдан ортиқ ўқувчи ўқийдиган мактаб фойдаланишга топширилди. Унинг ёнида эса болалар боғчаси қад кўтарди. Шу тариқа бу ерда узлуксиз ўқув-тарбия жараёни йўлга қўйиш учун шароит яратилди.

Ўзбекистон пойтахтида ўқув йили арафасида яна бир нечта янги мактаб очилди. Уларнинг бири аҳоли зич жойлашган Собир Раҳимов ноҳиясидадир. Биринчи сентябрь куни янги мактабнинг бешта биносини 1260 нафар ўқувчи тўлдиради. Мактаб ҳузурида спорт комплекси, суви иситилган ҳовуз ва сауна, тир қурилган.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлигидан хабар қилишларича, бу йил жумҳуриятимизда жами 239 минг ўринли янги ўқув юртларини ишга тушириш режалаштирилмоқда. Уларнинг бир қисми ҳашар йўли билан бунёд этилади, мактабларга оталиқ қилаётган давлат ва жамоа хўжаликлари, саноат корхоналари уларни қуриш учун маблағ ажратмоқда.

### Хонадонлар шахсий бўлади

ФАРҒОНАДА яшовчи Улуғ Ватан уруши иштирокчилари ҳаётида ҳаяжонли воқеа юз берди. Ўзбекистон ССР Президентининг Фармонига биноан Фарғонадаги тўрт мингдан зиёд уруш ветеранидан дастлабки тўқсон киши тантанали вазиятда ҳозир ўзлари яшаб турган давлат фондидаги хонадонлар уларнинг шахсий мулкига айланганы тўғрисидаги гувоҳномаларни олди. Улар орасида фронтчилар П. К. Мельников ва Е. М. Вайсблюм, М. Қосимов, А. М. Сахно, Е. М. Верескун ва бошқалар бор.

Шу муносабат билан йиғилишда сўзга чиққан уруш ветеранлари Ўзбекистон ССР Президентига шу қадар инсонпарвар совға учун самимий миннатдорчилик билдирдилар.

### Қарс икки қўлдан чиқади

ҚАРШИ авиакорхонасининг йигирмата тайёраси Ставрополь ўлкасидан қайтиб келди. Учувчилар олис сафарда яхши меҳнат қилишди: юз минг гектардан зиёд майдондаги қишлоқ хўжалик экинларига ишлов беришди.

Энди улар ўз «қадрдон» далаларида дефолиация ўтказишга тайёрланишяпти. Бу йил улар 192 минг гектар ердаги ғўзаларга ишлов беришлари лозим. Ушбу оғир вазифани бажаришда эса қийинчиликларга уларнинг ставрополлик ҳамкасблари ёрдам беришади.

### Тергов қамоқхонасидаги гаровга ушланганлар

НУКУС шаҳридаги 9-сонли тергов қамоқхонасида 26 август тонгги одатдагидек бошланди. Кутилмаганда камералардан бирининг эшиги очилди ва қайнаган сув тарқатаётган сержантни шу камерага тортиб киритишди. Шу тариқа бу ерда гаровга ушланган биринчи киши пайдо бўлди. Шундан сўнг воқеалар тез ривожлана бошлади. Бирдан-бир калит барча камералардаги қулфларга тушганлиги сабабли иши тергов қилинаётган кишилар бир неча дақиқада «озодликка» чиқишди. Соқчиликда турган яна уч нафар навбатчи, шу жумладан бир офицер ҳам гаровга олинди. Уларнинг ёнида қурол йўқ эди, шу сабабли исёнчилар қамоқхонадан ташқарига чиқишга ботинмадилар, қамоқхонани эса сигнализация ишга тушганлиги сабабли қуролли соқчилар дарҳол қуршаб олган эди.

Тартибсизлик ташкилотчилари гаровга ушланганлар ҳаётини сақлаб қолиш эвазига ўқи билан олтита автомат, олтита бронежилет ва ГАЗ-66 автомашинаси беришни, гаровга ушланганларни автомашинага чиқариб шаҳардан бемалол чиқиб кетишга йўл қўйишни талаб этдилар. Бироқ 12 соат ичида исён бостирилди, унинг иштирокчилари яна камералардан жой олди.

Операция Қорақалпоғистон АССР Ички ишлар вазири, милиция генерал-майори Н. Б. Криворучко раҳбарлигида ўтказилди.

— Милиционерларнинг аниқ ҳаракат қилишлари туфайли ҳеч қандай қурбон бўлмади, — дейди у. — Лекин бу ҳодисадан тергов қамоқхонасидаги ишларни яхшилаш учун кўпгина хулосалар чиқариб олдик. Музокаралар чоғида исён қатнашчилари тергов муддатлари чўзилиб кетаётганидан, судда жиноий ишларни кўриб чиқишдаги сансалорликдан, қамоқхонадаги айрим ходимларнинг қўполлигидан шикоят қилдилар. Ҳозир юз берган воқеани текшириш учун комиссия тузилди, бу ерда ҳар бир шикоят бирма-бир кўриб чиқилади. Қамоқхонада сақланаётган кишилар бинонинг ёмонлигидан ҳам кўп шикоят қилдилар. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади, бино 1928 йилда қурилган. Тўғри, янги бино қурилиши учун шаҳар ташқарисидан ер участкаси ажратиб берилган. Уни қуриш учун маблағ ажратиш масаласи ҳам тез орада ҳал қилинса керак, деб ўйлайман.

Қорақалпоғистон АССР прокуратураси жиноий иш қўзғатди, тергов олиб борилмоқда.

В. ТРОИЦКИЙ,
ЎзТАГ мухбири.

### Молдова полициячилари

**Молдова ССР ҳукумати 1 сентябрдан бошлаб подшоҳ буюк Штефан номидаги миллий полиция Академиясини очиш тўғрисида қарор қабул қилди. Унга дорилфунун мақоми берилди. Академия жумҳурият ички ишлар идораларида ишлаш учун олий малакали ҳуқуқшунослар тайёрлаб беради. Ўқиш муддати — 4 йил. Оддий полициячилар ва кичик бошлиқлар составини тайёрлаш учун СССР Ички ишлар вазирлигининг Кишиневдаги ўрта махсус милиция мактаби 1994 йилнинг 1 январидан Молдова ССР Ички ишлар вазирлиги миллий полиция мактабига айлантирилади. Унга ўрта махсус ўқув юрти мақоми берилади. Таълим муддати 2 йил.**

**Бу ўқув юртларига жумҳурият ҳудудида доимий яшайдиган ва молдован тилини биладиган кишилар қабул қилинади. Жумҳуриятдан ташқарида яшовчи ва она тилини биладиган молдованлар ҳам шу тоифага тенглаштирилади.**

**Полиция академияси ва мактаби ўқув режаларида италян тилини чуқур ўрганиш, Руминия ва Италияда тажриба орттириш бу мамлакатларда ана шундай кадрлар тайёрлаш тажрибасини ўрганиш, Руминиядан махсус адабиётлар сотиб олиш, уларни қайта ишлаб, маҳаллий нашриётларда босиб чиқариш кўзда тутилган.**

*Шу сонга хабар*

«Обуна—91»



«ЁШ ЛЕНИНЧИ»НИ ДОИМО УҚИШНИ ИСТАСАНГИЗ

1 сентябрдан 1991 йил учун обуна бўлишингиз мумкин.

Унинг бир йилга обуна нархи — 12 сўм, 6 ойга — 6 сўм.

Обуна «Союзпечат»нинг барча алоқа бўлимларида қабул қилинади.

Диққат: янги ойнома!

# ОҚ ЙЎЛ СЕНГА, «СИРЛИ ОЛАМ»

Бундан, тахминан, ярим йил аввал Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитаси «Ёш гвардия» нашриёти тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан тўла таъминлашга ўтди. Шу муносабат билан биз нашриётимизга иқтисодий зарар келтираётган баъзи нашрларни қайта кўриб чиқишга мажбур бўлдик. Шу йилнинг бошида эса, КПСС Марказий Қўмитасининг, кетма-кет Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг баъзи фирқа матбуоти органларини қайта қуриш, шунингдек, иқтисодий зарар келтираётган баъзи нашрлар ва ойномаларни ёпиш ҳақидаги қарори эълон қилинди. Мана шу қарорларни бажариш юзасидан биз Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитасига «Молодая смена» ойномасини ёпиб, унинг ўрнида ўзбек тилида «Сирли олам» номли янги ойномани ташкил этиш ҳақида таклиф киритдик. Бунга бизнинг бир қанча асосларимиз бор эди. Аввало, «Молодая смена» ойномаси нашр қилина бошлаган даврдан бери ўз муштарийсини топа олмади. «Ёш куч» ойномаси йилига 400—500 минг обуначи тўплагани ҳолда, унинг рус тилида чиқадиган варианти атиги 3-4 минг обуначи йиға олди, холос. Ундан ташқари «Молодая смена» нашриётга йилига қарийб 200 минг сўм иқтисодий зарар келтирарди. Ойнома Иттифоқда чиқадиган шу типдаги ойномалар билан рақобат қилишга ҳам қодир эмас ва у ёшлар орасида обрў-эътибор қозона олмади.

Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитаси бизнинг бу таклифимизни қўллаб-қувватлади ва апрель ойида қарор қабул қилиб, «Молодая смена» ўрнига «Сирли олам» ойномасини таъсис этишни лозим топди.

Шу йилнинг 28 июнь куни эса, Ўзбекистон Коммунистик фирқаси Марказий Қўмитаси Котибати ҳам ана шу масала юзасидан ижобий қарор қабул қилди.

Шундай қилиб, 1991 йилнинг январь ойидан бошлаб «Сирли олам» ойномаси нашр қилина бошлайди. Илмий-оммабоп, илмий-бадиий, фантастика ва саргузашт асарларни чоп этувчи мазкур ойнома муштарийларимизга мақбул ва манзур бўлади. У яқин ойлардаёқ кўп миллионли ёшларимиз ва ўсмирларимиз орасида обрў-эътибор қозонади, деб умид қиламиз.

«Сирли олам» ойномасининг ташкил этилиши жумҳуриятимиз журналистикаси ва матбаачилигида тарихий воқеадир. Бундай нашрнинг майдонга келиши Ўзбекистон комсомолида ҳам қайта қуриш жараёни бораётганидан далолат беради.

Ер юзида буюк саналмиш бизнинг улкан мамлакатимиз иқтисодий, ижтимоий ва маънавий таназзулни бошидан кечираётганлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Бизнинг бош фожиамиз — билимсизлик, келажакни олдиндан кўра билмаслик эканини эндиликда очиқ тан олмай иложимиз йўқ. Чаласавод одамларни бошқариш, истаган кўйга солиш ҳамма замонларда осон кўчган. Чаласавод одам, айниқса, бирор соҳага раҳбар бўлиб қолса, ўша соҳани худо урди, деяверинг!

Маънавиятсизлик, ахлоқсизлик, ёвузлик, жоҳиллик сингари чиркин иллатларни ҳам асосан саводсиз ва маданиятсиз одамлар юзага келтиришади.

Мусулмон динида билим энг олий мақсад — дунёни билиш учун зарур деб уқтирилади. Дунёни билиш учун эса, дунё илмларидан баҳраманд бўлиш, олам сир-асрорларининг тагига етиш, маънавиятни бойитиш керак.

«Сирли олам» худди ана шу олижаноб мақсадни кўзлаган ойномадир. У ёшларимиз ва ўсмирларимизни илғор илмий-техник билимлар билан қуроллантиришни ўзининг бош вазифаси деб ҳисоблайди. Зотан, ҳозирги замоннинг ҳаракатлантирувчи қудратли омили бўлмиш илмий-техника инқилоби ва унинг самаралари юзасидан билимга эга бўлмай туриб, қайта қуришдек тарихий жараённинг фаол иштирокчиси бўлиш мумкин эмас. Кибернетика ва биология, физика ва ген муҳандислиги, электроника ва дизайн илми ҳаётий жараёнларга чуқурроқ кириб бориш ва дунёни чуқурроқ билишимизга имкон яратади. Янги ойнома саҳифаларида ана шулар ва бошқа қизиқарли воқеа-ҳодисалар ҳақида илмий-оммабоп, илмий-бадиий мақола ва эсселар, ахборотлар бериб борилади.

Ҳозирги кунда ноёб хислатли одамлар, руҳий даволовчилар, яъни экстрасенслар ҳақида жумҳуриятимиз ва Иттифоқ матбуотида кўп хабарлар, мақолалар босиляпти. Ванга, Кашпировский, Чумак, Жуна Давиташвили сингари бу соҳа мутасаддиларининг номи тилларда достон бўлиб кетди. Ўзимизда ҳам, гапнинг очиғини айтганда, бундай антиқа қобилият эгалари қўзиқориндай кўпайиб бормоқда. Уларнинг орасида беморларни кўз олдимизда мўъжизавий тарзда даволаётган чинакам истеъдод эгалари ҳам, экстрасенс ниқобини кийиб олиб, аслида ҳеч қандай хосияти бўлмаган товламачи ва фирибгарлари ҳам бор.

Аксарият одамлар руҳий йўл билан даволовчи ғаройиб хислат эгалари фақат бизнинг асримизгагина келиб пайдо бўлишди, қадимда улар билан ҳеч ким тўқнаш келмаган, деб ўйлашади. Бу янглиш фикр, албатта.

Яқин ва узоқ ўтмишда авлиё ва анбиёлар, табиблар ва синиқчилар, гулгирлар ва фолбинлар, дуохонлар ва афсунгарлар, ромчилар ва кинначилар турғунлик йилларидагига нисбатан анча эркинроқ ва самаралироқ фаолият кўрсатишган. Ўзбек халқ афсона ва ривоятларидаги сувни тескари оқиза олувчи, булутларни ҳайдовчи ёки ёмғир ёғдириш қобилиятига эга, ҳассасини ерга уриб, йўқ ердан сув чиқарувчи, ўлган одамларни афсун ёки доривор-гиёҳ ёрдамида қайта тирилтирувчи, юз-икки юз чақирим масофадан ковушини отиб, олисдаги қароқчиларни майиб қилувчи, гўрда ётган ўликни тирилтириб, унга ғазал ўқита олишдек ўта хаёлий кароматга қодир одамлар фикримизнинг ёрқин далилларидир. Ҳамма фожиа шундаки, диалектик материализм қобиғига ўралиб олиб, уларнинг ҳаммасини чўпчак ва афсонага чиқарганмиз. Ҳар қандай афсона замирида катта ҳақиқатлар ётганини унутиб, улар ҳақидаги ноёб қўлёзмаларга диний-мистик асарлар деган тамға ёпиштирганмиз.

Аксарият олимларимиз Кашпировский ва Чумакни ҳам, ўзимизнинг Абдурафиқ Ғафуров ва Абдуғаффор Абдуллаевни ҳам товламачиликда айблашлари ҳеч гап эмас. Чунки биз билган, қўлимиз билан ушлаб кўрган нарса — илмий, ақлимиз етмаган нарсаларнинг ҳаммаси — илмга зид деган тушунча уларга турғунлик йилларидан қолган меросдир. Лекин аксарият ҳолларда тиббиёт ўлимга «маҳкум» этган, у ожизлик қилган беморларни ўша «товламачи» экстрасенслар самарали даволаётганидан қандай кўз юмиш мумкин, ахир?!

Ойномамизда ана шундай ноёб хислатли одамлар ҳақида ҳам мақола ва суҳбатлар мунтазам бериб борилади.

Ойномада, шунингдек, Ўзбекистон, қардош жумҳуриятлар ва хорижий адибларининг илмий-фантастик, саргузашт ва ибратнома асарларини ёритиб боришни ҳам мўлжалламоқдамиз.

Замонавий фан ва техниканинг энг илғор йўналишлари, ойномамиз кашф қилажак янги оламлар, дунёнинг янгидан-янги сир-асрорлари, турли илмий фаразлар, башоратлар, кашфиётлардан бохабар бўлай десангиз, «Сирли олам» ойномасига обуна бўлишни унутманг! Унга барча алоқа бўлимларида сентябрь ойидан бошлаб обуна бўлиш мумкин. Ойномамиз бир сони нархи 70 тийин. Индекси 75243.

Қуйида «Сирли олам» саҳифаларида нашрга тайёрланаётган бадиаларнинг биридан парча эълон қилаяпмиз. Бадиа тўла ҳолда ойноманинг илк сонларидан бирида чоп этилади.

Ҳожиакбар ШАЙХОВ,
«Сирли олам» ойномасининг бош муҳаррири.

# НУЖ учувчиларининг ҳалокати

НУЖлар (номаълум учувчи жисмлар) ҳақида ғаройиб воқеаларни ҳикоя қиларканмиз, бу хусусда ҳали ҳеч қанақа маълумотга эга бўлмаган кишиларни ҳисобга олиб, ҳар бир айтилажак фикрни далиллар билан асослашга уринамиз, акс ҳолда ғайриоддий ҳодисаларга шубҳа билан қаровчилар сони янада ортиши мумкин. Ўзга сайёраликларнинг еримизга ташриф буюраётганига М. С. Горбачев ҳам катта ишонч билдириб, 1987 йил 16 февралда бўлиб ўтган КПСС Марказий Қўмитасининг Пленумида, Ўзга сайёраликлар тажовуз қилган тақдирда икки буюк давлат — СССР ва АҚШ кучларини бирлаштира оладилар, деди.

1987 йил 15 сентябрда, шундай битимга имзо чекилгандан сўнг, Э. А. Шеварднадзе билан АҚШнинг собиқ Президенти Рейган ўрталарида учрашув бўлиб ўтди. Ўзга сайёраликлар тажовуз қилиши мумкинлигини тахминлаган Рейган СССР ташқи ишлар вазири Шеварднадзега шундай савол берди: «Қўшма Штатлар билан Шўро Иттифоқи ҳамжиҳат бўлишига сиз қандай муносабатдасиз?» Шеварднадзе қуйидагича жавоб қайтарди: «Бу айни муддао бўлардч, ана шунда Ташқи ишлар вазирларининг учрашувларига зарурат қолмасди».

(«Нью-Рипаблик» рўзномасининг 1987 йил 15 сентябрь сони).

Ҳозирги кунда НУЖларни кузатиш бўйича кенг кўламда иш олиб борилаяпти. Юздан ортиқ мамлакат бу масала билан шуғулланиб келмоқда.

Қизиғи шундаки, ўзга оламлар борлигига В. И. Ленин ҳам қизиқиб қолганди. 1920 йили машҳур инглиз фантаст-ёзувчиси Г. Уэллс, инсоният келажакда дунёдаги вазиятларни ўзгартириб юбориши мумкин деганда, Ленин унинг фикрига қўшилган:

— Сиз ҳақсиз... Агарда ўзга сайёраликлар билан алоқа ўрнатсак, бизнинг фалсафий, маънавий ва ижтимоий қарашларимиз буткул ўзгариб кетган бўларди. У ҳолда ривожланишнинг асоси бўлган беқиёс техник имкониятлар қисиб чиқарарди, — деган эди.

Ж. Валле «Фавқулодда ҳодисалар анотомияси» деб номланган машҳур китобида В. И. Лениннинг фикрини қувватлайди. Тим Гуднинг «Мутлақо махфий» номи билан чиққан китобида бу фикр янаям тўлдирилади.

СССР Фанлар академиясининг академиги, Бутуниттифоқ қувват-ахборот алмашуви қўмитасининг раиси, СССР Фанлар академиясининг Сибирь бўлими директори В. Казначеев шундай дейди: «Фан шу вақтгача бошқа оламлар мавжудлигини инкор қилиб келган. Бу нотўғри фикрдан воз кечиш керак, жуда кўп ўзга оламлар борлигига тан бериш лозим. Волгоград вилоятидаги ўзга сайёраликларнинг ташрифини оддий бир мулоқот дейиш мумкин. Ким билсин, вақт ўтиши билан экологик муаммолар бошқа зиддиятлар олдида оддий нарса бўлиб қолар...» («Аргументи и факти», 1989 йил, 37-сон).

Маълумки, ахборот эркинлиги қонунларига кўра, бирон-бир давлат НУЖлар ҳақидаги маълумотларни сир тутишга ҳаққи йўқ. Ошкоралик сиёсати бу мавзуга ҳам ўз таъсирини ўтказганлиги туфайли сўнгги икки йил ичида матбуот саҳифаларида НУЖлар бўйича бот-бот хабарлар берилмоқда. Лекин хорижий ахборотларга ҳамон эътибор кам. НУЖ муаммолари билан шуғулланишни ўзига эп кўрмаётган «катта фан» бундай ахборотларга етарли эътибор бермаяпти, ваҳоланки, АҚШ ҳукуматининг ўзи бу масалага жиддий киришиб, кенг кўламда кузатувлар ўтказмоқда.

Турғунлик йилларининг асорати ўлароқ, хорижий воқеаларга ишончсизлик билан қараш бизда ҳали давом этмоқда. Лекин АҚШ ҳукумати ҳам ўз вақтида НУЖлар билан боғлиқ маълумотларни халқдан яширган. Буни қандай исботлаш мумкин, қайси далиллар асосида? деган савол ўз-ўзидан туғилади, албатта.

Ўзга сайёраликларнинг яқин ўтмишда Еримизга ташрифи билан боғлиқ бир неча воқеалар ҳақидаги ахборотлар салкам қирқ йил давомида сир сақланди. Бу сир қай тарзда ошкор этилганини қуйида келтирилган далил ва ҳужжатлар исботлайди.

## I. АҚШ президенти НУЖлар ҳақида нималарни биларди?

1947 йил 24 июлда Росвелл шаҳри ноҳияларидан бирида НУЖ ҳалокати содир бўлди. Бу воқеа Америка разведкачилари саъй-ҳаракати билан жамоатчилик назарида афсонага айлантирилди. Лекин 1947 йил 24 сентябрда АҚШ Президенти Гарри Трумэн НУЖларни ҳуфиёна тадқиқ қилиш ишига бағишланган «Межестик—12» деб номланувчи ҳужжатга имзо чекди. Кўзга кўринган олимлар, ҳукуматнинг ишончли кишилари кенг кўламда тадқиқот ишларини бошлаб юбордилар Шу тариқа барча хулосалар «Межестик—12» ҳужжатида жамланди.

Ниҳоят, 1952 йил 18 ноябрда «Межестик—12» иши юзасидан ҳисобот маърузаси тайёрланди. Маъруза МКБ — Марказий қидирув бошқармаси адмирали Роско Хелинкотер томонидан тайёрланган бўлиб, у шахсан Президент Эйзенхауэрга йўлланган эди.

1954 йил 16 июль куни соат 8.50 дан 9.00 гача Эйзенхауэр иқтисодий масалалар бўйича қабул ўтказган. 9.00 да эса «Межестик—12» иши юзасидан муҳокама бошланган.

Етти муҳр остидаги ҳуфиёна маърузанинг мазмуни 1984 йилгача махфий бўлиб қолаверган. Ўша йили номаълум шахс телепродюссер Жеймс Сандерага махфий ҳужжатлар туширилган суратли тасмани ташлаб кетади. Унда Хелинкотернинг «Межестик—12» иши юзасидан қилинган ҳисобот маърузаси бор эди.

Тергов маҳкамаси раҳбари Вильям Мур ва унинг ёрдамчиси Сандера жиддий текширувлар ўтказиб, ҳужжатнинг ҳақиқийлигига ишонишгач, унинг бир қисмини икки йилдан сўнг эълон қилди. Роско Хелинкотернинг 1952 йил 18 ноябрда ҳисобот маърузасини фақат ўтган йилдагина Тим Гуд оммага етказди. «Мутлақо махфий» белгиси билан чиққан китобдаги «Фақат кўз учун» деб номланган Хелинкотер маърузаси шундай бошланади:

1947 йил 24 июнда тоғ тизмалари устидан Вашингтон томон учиб бораётган тайёра бошқарувчилари 9 та доирасимон учқичларнинг катта тезлик билан қаторлашиб ўтганини кузатишган. Бундай жисм ҳақидаги маълумот илк бор эълон қилинмаётган бўлса-да, оммавий ахборот воситалари ходимларининг эътиборини тортди. Шундан кейин НУЖлар ҳақида юзлаб хабарлар пайдо бўлди. Ишончли ҳарбий ва оддий кишиларнинг кузатуви бўйича талайгина ахборот тўпланди. Бир неча шоҳидлардан тергаб сўралди. Тайёралар ёрдамида НУЖлар парвози кузатилди, лекин аниқ натижага эришиб бўлмади.

Бундай хабарлар жамоатчиликни асабийлаштиради, холос...

Ниҳоят, маҳаллий фермерлардан бири Росвелл тайёрагоҳ жойлашган Валькер-Филдан 75 мил масофадаги Нью-Мексико штатининг чекка ноҳиясида юз берган НУЖ ҳалокатини кузатишга муваффақ бўлиб, бу ҳақда хабар бериб қолди.

1947 йил 7 июлида НУЖ қолдиқларини ўрганиш мақсадида уни бошқа жойга кўчириш бўйича махфий иш бошланди. Жисм кўчирилаётган пайтда ҳаво қидирув бўлимининг ходимлари кемадан отилиб чиққан тўртта одамсимон мавжудотнинг жасадини кўриб қолишди. Улар кемадан икки мил узоқликка бориб тушишган эди. Ҳалокат бир ҳафта илгари юз бергани сабабли жасадлар ирий бошлагани, кемирувчиларга ем бўлгани сезилиб турарди...

# Хориждан хабарлар

## Телетайп лентасидан

ВАШИНГТОН. Пентагон якшанба куни Форс кўрфазидаги танглик муносабати билан АҚШ армияси ва миллий гвардиясининг мамлакат барча ноҳияларидаги резервистларни қўшимча равишда чақириш тўғрисида буйруқ берди. ЮПИ ахборот агентлигининг шу ҳақда маълумот келди.

Агентликнинг маълум қилишича, «Саҳро қалқони» операциясида резервистларнинг яна 50 та бўлинмаси ишга солинади. Бироқ Пентагон улар шахсий таркибининг аниқ сонини айтишдан бош тортди.

Шу куни 13-Армия корпусининг қисмлари ана шу «Саҳро қалқони» операцияси доирасида яқин шарқда жойлаштирила бошланди.

АП ахборот агентлигининг Вашингтондан хабар беришича, манбаларга кўра Форс кўрфази ноҳиясига қўшинларни олиб кириш тўғрисида АҚШ Президенти Жорж Бушнинг фармойиши чиққандан буён ана шу регионга ҳозирнинг ўзидаёқ тахминан 60 минг америкалик ҳарбий хизматчи юборилди.

ЛОНДОН. Покистон маъмурлари аэрофлотнинг ТУ-154 тайёрасини олиб қочган 11 кишини Покистонда суд қилиш ёки совет маъмурларига топшириш хусусида бир қарорга келинмади. Рейтер ахборот агентлиги мазкур мамлакат расмий кишиларининг маълумотига асосланиб, ана шундай хабар тарқатди.

«Тайёрани олиб қочган кишилар бу ерда махсус қонунларга биноан суд қилиш ёки уларни Совет Иттифоқи маъмурларига топшириш хусусида бир қарорга келинмади», деди якшанба куни Исломободда Покистон ташқи ишлар вазирлигининг вакили. Агентлик, шунингдек Карочи полициясидаги манбаларга кўра, Покистон разведкасининг ходимлари полициячиларга қўшилиб, жиноятчиларни сўроқ қилишда қатнашаётганлигини хабар беради.

Карочидаги маҳаллий маъмурларга ўтган душанба куни таслим бўлган тайёрани олиб қочувчилар Покистонда суд қилинадиган жавоб берадиган бўлсалар, улар 25 йил қамоқ жазосига ёки ўлимга ҳукм қилиниши мумкин.

ПЕКИН. Хитой Темир йўллар вазирлиги мамлакат темир йўлларида тартибни тубдан йўлга қўйиш, хизмат мавқеидан ғаразли мақсадларда фойдаланишга қарши фаол кураш олиб боришни ниятидадир. ХКП Марказий Қўмитасининг органи «Жэньминь Жибао» рўзномасининг бугун хабар беришича, ҳозирги вақтда вагонлар ва билетлар ажратиш ишлари ва темир йўл транспортига катта зарар етказаётганлиги энг жиддий масала бўлиб турибди.

Бу йил, деб ёзади «Жэньминь Жибао» рўзномаси транспорт назоратининг турли органлари 11 мингтадан ортиқ ишни кўриб чиқди. Айбдорларнинг бир қисми жиноий жазога тортилди. Бошқалари маъмурий жазо олдилар. Темир йўл ходимларидан бир неча кишига пул жарималари солинди.


(СИТА).

## ПЕРУ ҚАМОҚХОНАЛАРИДА НОРОЗИЛИК КУЧАЙМОҚДА

ЛИМА. (СИТА мухбири Игорь Фёдоров). Мана бир ҳафтадирки, Перу ахлоқ тузатиш муассасаларида ғалаёнлар давом этмоқда. Айниқса, пойтахтдаги «Кастро-Кастро» ва «Сан-педро» қамоқхоналарида кескин вазият вужудга келган. Бу ердаги соқчилар билан тўқнашувлар чоғида бир неча киши ҳалок бўлди. Ғайриинсоний муносабат ва маъмурлар қамоқдагиларни боқиш учун ажратаётган маблағнинг ниҳоятда камлигига қарши норозилик тартибсизликларнинг асосий сабабидир. Матбуотда хабар қилинишича, уларнинг ҳар бири бир кунда 20 минг инти (АҚШнинг 6 центига тўғри келади) турадиган овқат билан боқилмоқда. Перу қамоқхоналаридаги очлик кўлами ҳалокатли даражага етди. Иш шу даражага бориб етмоқдаки, бир қанча ахлоқ тузатиш муассасаларида тутқунлар мунтазам равишда ит гўштини истеъмол қилишаяпти.

Ғалаёнларнинг яна бир сабаби — судлов системасининг бебошвоқлиги ҳамда қамоқхона маъмурларининг порахўрлигидир. «Республика» рўзномасининг маълумотларига қараганда, ҳозир Перу қамоқхоналарида ётган 18 минг тутқуннинг атиги 10 фоизи суд томонидан озодликдан маҳрум этилган. Дарвоқе, судларнинг ўзи ҳам 20-йиллардаёқ қабул қилинган норматив ҳужжатларга асосланиб иш кўрмоқда. Бундан ташқари, мамлакат ахлоқ тузатиш муассасалари тўлиб кетган. Чунончи, 800 маҳбусга мўлжалланган «Кастро-Кастро» қамоқхонасида 2060 киши жазо муддатини ўтамоқда.

Перу ахлоқ тузатиш муассасаларидаги танглик — мамлакат адлия системасининг ниҳоятда ўткир муаммоларидан биттаси холос. Яқинда сайланган мамлакат президенти Альберто Фухимори судларнинг пулга сотилишини, ижрочи идораларнинг порахўрлигини, Перуда «одил суд» қўлига тушган одамларнинг ҳуқуқсизлиги ва ҳимоясизлигини бир неча бор таъкидлаган ҳамда жамиятдаги ана шу қусурларга қарши муросасиз кураш эълон қилган эди.




Француз кино санъатининг «юлдузларидан» бири Софи Марсо яқинда фаолиятининг ўн йиллигини нишонлади. Ўтган ўн йил мобайнида ёш актриса Франциянинг энг таниқли режиссёрлари билан ишлади. Жумладан, Жерар Депардье, Филип Нуаре, Жан-Поль Бельмондо. Софи Марсо 16,5 ёшида «Ла Бум»да асосий ролни ижро этгандан буён шон-шуҳрат нурларида «чўмилмоқда». Унинг энг кейинги роли режиссёр Бернард Шмидтнинг «Песифик пелисейдс» фильмидир. У Лос Анжелосда суратга олинди.

СИТА сурати.

## КЎЛДАГИ ФОЖИА

НЬЮ-ЙОРК. (СИТА). Тайвань кўлларидан бирида фожиа юз берди. Сайёҳларнинг каттагина гуруҳи сайр қилиб юрган чоғроқ кема ағдарилиб, чўкиб кетди.

Ассошиэйтед Пресс ахборот агентлигининг Тайбэйдан хабар қилишича, камида 15 киши ҳалок бўлган 30 га яқин одам бедарак йўқолган.

Тайбэйдан 230 километр жануби-ғарбдаги Нанту деган жой полицияси вакилининг ҳикоя қилишича, фожиа оқшом пайтида 80 кишидан кўпроқ йўловчи қуёш ботишини кўлда туриб томоша қилиш ниятида сайрга чиққанида юз берган. Сайёҳлар орасида Буюк Британия, Австралия ва Малайзия фуқаролари ҳам бўлган — уларнинг ҳаммаси «Шелл» компаниясининг Тайвань бўлими хизматчилари эди.

Полициянинг таъкидлашича, кема кўпи билан 60 йўловчини олиб юришга мўлжалланган эди. Маъмурлар йўқолган йўловчиларни ҳали ҳам излашмоқда.

## ҲАВОСИ ЭНГ ТОЗА ПОЙТАХТ

СТОКГОЛЬМ. (СИТА мухбири Дмитрий Горохов). Европадаги пойтахтлар орасида Стокгольм — ҳавоси энг мусаффо шаҳардир, деб хабар қилади экология масалалари бўйича матбуот-бюллетени «Мильераппортен». Унда қитъа мамлакатларининг асосий шаҳарларидаги атроф-муҳитнинг ҳолатига бағишланиб ўтказилган сўнгги тадқиқотлар маълумотлари келтирилган.

Эълон қилинган мақолада таъкидланишича, Копенгаген ва Амстердамда экология вазияти тўғрисида яхши ғамхўрлик қилишади. Лондонда ақл бовар қилмайдиган натижаларга эришилган. Қачонлардир «Смог» («Қурум») тушунчаси пайдо бўлган Темза бўйидаги шаҳар энди шунчалик ўзини тутиб олдики, ҳавосининг тозалигига кўра Париждангина эмас, ҳатто Ослодан ҳам ўзиб кетди.

Бюллетеннинг далолат беришича, Лиссабон ва Белградда, айниқса, катта куч-ғайрат сарфлаш зарур бўлади. Мақолада эълон қилинган жадвалда бу шаҳарлар ҳозирча охирги ўринларда турибди.

## РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

### ҚОНУН ҲАММА УЧУН БИР

● ГУЛЗОРЛАРДАГИ КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ учун экилган ўтларни ўрадиган техника транспорт воситаси бўлиши мумкинми? Буни қарангки, бўлиши мумкин экан. Йоханнесбург муниципалитети ишчиси Макатини Дик Зулзуга шундай деб тушунтиришган. У ўт ўрувчи бу машинада пешингача ишлаган ва исиб кетиб, чанқовини қондирмоқчи бўлган. Муздаккина пиводан маза қилиб тўйиб ичиб олган Зулзу янги куч-ғайрат билан ишга киришган. Аммо шу пайт муниципалитет хизматчиси келиб қолган ва пиво ҳидини сезиб, полицияни чақиртирган. Зулзуни ўша заҳотиёқ «маст ҳолда транспорт воситасини бошқарганлиги учун» қамоққа олишган.

### СУПУРИШНИНГ ҲАМ ИЛОЖИ ЙЎҚ

● ДУНЁДАГИ БАРЧА ДЕНГИЗЧИЛАР Япониянинг Кюсе оролидаги Каюсима портига келиб лангар ташлашни исташмайди. Улар бу ерни «чангютгич халтаси» дейишади. Уларнинг бу гапида бироз бўлса-да жон бор: шаҳардаги уйларнинг томлари, кўчалари, йўлаклари мунтазам равишда қалин чанг билан қопланиб ётади. Бунинг айбдори эса яқин жойдаги Сакурадзили вулқонидир. Мутахассислар вулқон кратеридан ҳар йили ҳавога 14 миллион тонна кул ёғилишини ҳисоблаб чиқишган. Шундай экан, ҳатто кўчаларни супуришнинг ҳам иложи йўқ.

### ИТЛАР ЁРДАМГА ТАЙЁР

● ИТЛАРНИ ҲАММА НАРСАГА — наркотикларни қидириб топишдан тортиб то портловчи моддаларни аниқлашгача, темир рудаларини излашгача ўргатса бўлади. Канаданинг Онтарио вилоятидаги 2,5 метр чуқурликда бўлган газ қувурини қаеридан газ чиқаётганлигини ҳатто энг замонавий асбоблар ёрдамида ҳам аниқлай олмаганларида ёрдамга махсус ўргатилган овчарка итлари олиб келинган. Итлар қаҳратон совуқда 150 километрли трассанинг у бошидан бу бошигача босиб ўтиб 150 жойда газ чиқаётганлигини бехато топиб беришган.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

# СЕН МЕНИ ИШОНТИР...

СИЗНИ БАҲСГА ЧОРЛАЙМИЗ

СЕЗДИМ, юрагингиз энтикиб кетди. Начора, биз — ер бандалари бу қудрат — сеҳр олдида ожизмиз... Аслида, муҳаббатни талқин этиш — худога шак келтиришдек гап. Бироқ у ҳақда ўйлаб, куйлаб, ёниб, куйиб яшаш бизга боболаримиздан, момоларимиздан қолган меросдир. Мен ҳам у ҳақда ўйлар эканман, ҳаё ва ибо, шарм ва андишага асира бўлган шарқона муҳаббатни — ошкора урфу-одатларимизга беписанд, айрилиққа бечидам, баъзан сурбетона муносабатлар исканжасидан айириб олгим келади.

Файласуф ёзувчиларимиздан бири: «Аёл ўз эри ҳақида, у менга муносибми?» деб ўйлаши билан хиёнат бошланади» деб ёзган эди. Бу ҳикмат бевосита севишган йигит-қизларга ҳам тааллуқлидир. Зеро, ҳар бир инсон ўз эътиқодига эга бўлиб, унга содиқ қолишни уддалай олса, ҳатто, энг қашшоқ турмуш жараёнида ҳам ҳаммадан бахтиёр яшай олади деб ишонаман. Нега?!

Муҳаббатни ақл билан эмас, юрак билан танийдилар. Ҳайратланарлиси, ўша муҳаббат туфайлигина ақл ўз жиловини юракка топшириб қўяди. Хунук аёл бўлмайди, шунингдек, хунук қиз ҳам, хунук йигит ҳам бўлмайди, дейдилар. Мен эса умуман хунук инсон бўлмайди дейман. Сизга қандай туюлару, менга чўлоқ одамнинг чўлоқлиги ўзига ярашиб тургандек кўринади. Зотан, ҳар бир йигит-қизнинг фазилати, тароватй, қўйингки, фариштаси бўлакча бўлади. Келинг, шу гапларим баҳона сизга бир воқеани сўзлаб берай:

Қайсидир қишлоқда ақли пароканда бир йигит яшар экан. У қишлоқ кўчаларида саҳардан шомгача дайдиб, кўринган кишига гап отиб, анча вақтгача унинг кетидан эргашиб кун ўтказаркан. Бир куни ўша йигит кўринмай қолибди. Иккинчи кун ҳам унинг дараги бўлмабди. Аён бўлишича, у ҳар саҳар бир дона қизил гул кўтариб қишлоқ четидаги дўконга қатнайдиган бўлиб қолган экан. Чунки биринчи гал сотувчи қиз йигитнинг қилиқларига жавобан унинг қўлига икки дона конфет бериб дўкондан чиқариб юборибди. Нима бўлса ҳам йигит эмасми, қизнинг хушрўйлиги, муомаласи уни мафтун қилибди. Эртасига яна гул кўтариб борибди, қизнинг бу сафар жаҳли чиқибди. Йигит эса дўконга кирган ҳар бир одамга: «Мен уни яхши кўраман. Унга гул олиб келдим», деяверармиш. Сотувчи қиз бу ҳолдан баттар уялар, аччиқланар экан. Йигит ҳар куни гул кўтариб келишини қўймабди. Қиз ҳам бора-бора жаҳлидан тушиб бу ҳолга, кўникиб қолибди йигитнинг гулини оладиган бўпти. Энди у эрталаб бироз кечиккудек бўлса, қиз йўл қарармиш. Бир сафар йигит кун бўйи келмайди. Бетоқат бўлган қиз уни болалардан суриштиради. Кеча кечқурун мактаб боғидан гул узаётганида қоровул амаки қувлаганини, у кўчага қараб қочганда катта тезлик билан келаётган юк машинаси босиб кетганини эшитади-ю, ҳушидан кетади...» Юрак сезимлари шунчалар муътабарки, уларга фақат виждон амри ила вафодор бўлиш талаб этилади. Бугун эса ўша муқаддас сезимлар автоларнинг ғилдираклари остида қолиб кетаётгандек...

Ҳаммамиз ўта ўч бўлган Амирқо бадиий фильмларининг ҳам бугун чин севгини тараннум этаётгани темирга айланиб бораётган қалбимизнинг занглай бошлаганидан сўнг туғилган табиий эҳтиёж эмасмикин! Ёки «Садоқат» деб номланган ҳинд кинофильмини кўриб кўпчилигимиз йиғлаганмиз. Бу ҳам қуриб бораётган гулдек толиққан руҳимизнинг шабнамдек ақиқ кўз ёшларга ташналигидандир. Эҳтимол, шу боисдан ҳам ўша йиғлоқи ҳинд киноларини кўришга бўлган талаб кучайгандан-кучайиб бораётгандир.

Бир-бировга кўр-кўрона эргашавериш ука-сингилларимизга, фарзандларимизга юқмасин! Улар бетакрор урф-одатларимизга мужассамлашиб кетган шарқона муҳаббатга фарзанд бўлсинлар. Ахир кўҳна Шарқимиз жоҳил, золим эмас, у Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин, Ғарибу Шоҳсанамларнинг онасидир. Демак, у чин Муҳаббат масканидир!

Шерхон ИСМОИЛОВ.
Андижон.

АЗИЗ ДЎСТЛАР! Эсингизда бўлса, биз саҳифамизнинг 26-май сонида оила ҳақида баҳс бошлаб, турмушидан айрилган юртдошларимизга беш савол билан мурожаат қилган эдик. Ўшандан бери ўтган уч ойча вақт мобайнида муҳарририятимиз 34 та мактуб олди. Ҳолбуки, ўтган йили муҳаббат тўғрисида қилган мунозарамизда бир ярим мингдан зиёд ёш йигит-қизларимиз иштирок этган эдилар. Йўқ, биз бу гап хатларнинг миқдори камлиги учун куюнмадик, аксинча, суюндик. Негаки, оила мустаҳкамлиги — юрт фаровонлиги, эл тинчлиги, фарзандларимизнинг бахтиёрлиги ҳамдир. Бунинг устига «бу мактублар қандайдир бетайин кишилардан эмас, балки ўз хатосини англаб етган ва оиласини тиклаш илинжида, йўқотган бахтини қидириб юрган армонли ва мард инсонлардан келган. Ахир ўз хатосини тан ола билиш ҳам бугунги кун учун ноёб фазилат-ку! Биз барча мактуб эгаларига олдиндан миннатдорчилик билдириб, уларга барқарор бахт тилаймиз.

Шундай қилиб, хатларни журналист Ҳафизахон ШАРОФХЎЖАЕВА шарҳлайди.

# ГОҲИДА БАС КЕЛАМИЗ, ГОҲИДА ПАСТ...

«Гоҳида бас келамиз, гоҳида паст...», «БИР РУБОБНИНГ ИККИ ТОРИ» саҳифасига келган мактубларни ўқир эканман, негадир хаёлимдан мана шу халқ мақоли ўтди. Чиндан ҳам, нима бўлса ҳам бас келибми, паст келибми, оилани асраб қолиш керак-да! Қизиқ, нима учун турмушга чиққунга қадар ёки уйлангунча ука-сингилларимиз бир-бирларини ёқтирган, ҳатто, севган ҳам бўладилару, никоҳ деб аталмиш муқаддас ришта икки ёшнинг бошини бир ёстиққа бирлаштиргандан сўнг улар бир-бирларининг қилдеккина гуноҳларидан ҳам кўз юмолмай, икки оёқларини бир этикка тиқиб оладилар, натижада, орадан яхши-ёмон гаплар ўтади, аразлашлар, қўйингки, ажралишлар рўй беради.

Қўлимда саҳифада эълон қилинган саволларнинг жавоблари. Уларнинг кўпчилиги, қизлардан, тўғрироғи келинчаклик дунёси билан аллақачон хайрлашган, бир-иккита фарзанднинг онаси бўлган сингилларимиздан. Ёлғиз аёлларнинг ҳасратлари билан танишгудек бўлсангиз дардудунёнгиз қоронғу бўлиб кетади. Муҳарририятимизга келган 34 та мактубнинг 7 тасинигина эркаклар йўллашган. Уларнинг деярли ҳаммаси собиқ рафиқаларидан нолиб, аччиқланиб, ғазабланиб ёзадилар. Бироқ андижонлик укамиз Азимжоннинг мактуби бутунлай бўлакча:

**«Ҳурматли муҳарририят! Сир эмас, инсон муҳаббатсиз яшай олмайди. Ўзим ҳақимда ёзсам, мен рафиқамга севиб уйланмаганман, аммо тўйдан сўнг севишганлардан аъло яшадик. Бахтга қарши фарзанд кўрмадик. Орадан беш йил ўтгач, қайнона ва қайнотамларнинг аралашуви билан биз ажралдик. Ота-онамнинг раъйига қараб бошқага уйландим, бироқ иккинчи оилам билан узоқ яшай олмадим. Бир юракка иккита муҳаббат сиғармиди! Рафиқам ҳам бошқа турмушга чиқмади. Агар биринчи оилам тикланса, бахтли яшардик».**

Азимжоннинг тақдири кишини ўйлантиради. Бироқ сўнгги пушаймон аламини чекиб юрганлар биз ўйлагандан ҳам кўпроқ шекилли... Сурхондарёлик Саидахон шундай ёзади:

**«Севиб турмуш қурганман, лекин шу аҳволга тушаман деб сира-сира ўйламагандим. Мен ҳали ҳам ўша муҳаббатимга содиқман. Тўйдан бир ярим йил ўтиб сўнг ажралишдик. Оиладаги биринчи келишмовчилик турмуш ўртоғимнинг холаси ва қизидан чиқди. Чунки эрим холасининг қизига уйланиши керак бўлган экан. Кейин оиламизда тинчлик бўлмади. Ҳозир ўғилчам билан ота-онамнинг уйида яшайман. Мен оиламни тиклашни истайман, аммо бунинг иложи йўқ. Чунки у уйланган, иккита фарзанди ҳам бор. Биз бир шаҳардамиз. Тез-тез тўқнашиб қоламизу, гаплашмаймиз. Бу ҳолга тушганим учун мен ўзимни койийман. Қаёқдан ҳам арзимас икир-чикирларни деб суйган ёримнинг кўнглига озор бердим. Оиламни асраб қололмадим! Бағримда етти ойлик чақалоғим борлиги учун ҳам мен ҳар қандай майда гаплардан юқорироқ туришим керак эди-ку!»**

Саиданинг гапи ҳақ! Чиндан ҳам, ёш оилаларнинг ажралиб кетаётганига асосан майда-чуйда гаплар, ўртадаги одамлар сабаб бўлмоқда. Мана шу нарса кишига алам қилади. Тўғри киши юрагини очмаса, дардини кимгадир тўкмаса қийналиб кетади. «Одам тафтини одам олади» дейдилар. Бироқ кўнгил дафтарини ҳар кимга ҳам ўқитавериш, барчани дўст деб санайвериш ҳам унчалик тўғри эмас, шекилли. Негаки, қош қўяман деб кўз чиқариб қўйиш ҳам мумкин. Онам раҳматли ҳамиша: «Қизим бу дунёда қаноат — арзон, ирода — дўст. Иродангни қўлга олсанг ҳеч қачон кам бўлмайсан!» дердилар. Мен Саиданинг ҳасратлари барча келинчакларимиз ва оналарга ибрат бўлади, деб ўйлайман.

Шу ўринда эркакларимизга ҳам халқимизнинг «Хотинингни 9 йил ёмон кўрсанг ҳам, 9 ой яхши кўргин» деган ажойиб нақлини эслатиб қўймоқчиман. Ота-боболаримиз хотинларига ҳомиладорлик маҳалида қилган ғамхўрликлари бўлажак фарзандига қилинган меҳрибонлик эканини яхши тушунганлар.

Хоразмлик М. исмли аёл шундай ёзади:

**«Тўйдан сўнг бир ярим йил яшадик. Қайнонамнинг бераҳмлиги туфайли ажралдик. Ҳомиладорлик пайтимда мени аямаганларини ёзмай қўя қолай. Лекин туғуруқхонадан қайтганимда ҳам қиш бўлишига қарамай уй иситилмаган эди. Чақалоғим шамоллаб қолмасин деб қор тагидан ҳўл ўтин топиб уйни иситдим. Охири мени ўғлига урдириб онамникига ташлатиб келди. Айбим — чаққон эмас эканман. Бу гапларга ҳам тўрт йил бўлди. Ҳозир соғлигим яхши эмас. Барибир ҳамма айб ўзимда деб ўйлайман. Вақтида уй юмушларини қилганимда, улар аяшмаганига яраша ўзимни-ўзим аяб, иссиқроқ кийиниб юрганимда шу аҳволга тушмасдим, оилам бузилмасди. Мен агар қайта туғилсам, қайтадан турмушга чиқсам ҳеч қачон оила аъзоларим билан айтишмаган, ҳаммасига чидаган, ажрашмаган, боламни тирик етим қилмаган бўлардим. Мен барибир қизимнинг отасини севаман!»**

Мактубларнинг кўпи ана шундай афсус-надоматли сўзлар билан якунланган. Уларни ўқиб шундай хулосага келаман: ҳаёт имтиҳонлардан иборат. Имтиҳонлар... Майда-чуйда гап-сўзлар, икир-чикирлар, уй-рўзғор юмушлари ва ҳоказо. Менга қолса, мана шу турмуш синовларидан ўтиш учун беш йил муддат белгилаган бўлардим. Чунки бу вақт ичида ҳар қандай эркатой қиз ҳам уй бекаси сифатида етилади, ҳар қандай мағрур йигит ҳам оила бошлиғи ким эканини англаб етади. Яна бир гап: ҳурматли эркакларимиз хафа бўлишмасину, 17 ёшли қизнинг 30 ёшли йигитга турмушга чиқиши мумкин, аммо 17 ёшдаги йигитнинг шошилиб уйланиши менинг назаримда унчалик тўғри эмасдек туюлади.

Мен дунёдаги барча одамларни эзгу мақсадлар бирлаштиришини истайман, нима қилиб бўлса ҳам оилани асраб қолиш, фарзандларимизнинг бағрини бутун қилиб ўстириш тарафдориман. Оилани асраб қолиш ҳар биримизнинг қўлимизда!

Мен мактуб эгалари ва «ЁШ ЛЕНИНЧИ» муштарийларининг ҳаммасига тугал бахт тилайман.



# Бир рубобнинг икки тори

## Акс - садо

### «Мени кечиринг»

**Саҳифанинг шу йил 26 май сонида тошкентлик Шахзодахоннинг «МЕНИ КЕЧИРИНГ» сарлавҳали мактуби эълон қилинди. Бу хатни ўқир эканман, аввал Шахзодадан жаҳлим чиқди, хатнинг охирига келганда онасидан нафратланиб кетдим. Наҳотки, киши фарзандининг хатоси учун неварасини нобуд қилиш даражасига бориб етса! Бундан ортиқроқ инсофсизлик бўладими дунёда! Шахзодага эса: бу дунё — қайтар дунё, вақти келиб қизингиз катта бўлади. Унинг тарбиясига кўпроқ аҳамият беринг, эҳтиёт қилинг, ҳушёрроқ бўлинг — дегим келди.**

**РАЪНО.**
**ЖИЗЗАХ.**

* * *

**Шаҳзоданинг қилмишини нафақат унинг онаси, ҳатто мен ҳам кечирмайман. Никоҳ ўқилмасдан бошланган ҳаёт — гуноҳ ҳисобланади, туғилган фарзанд ҳам... Қадимда бундай кишиларни каттиқ жазолашган. Ҳозир-чи! Биз бундайларга ёрдам берамиз, раҳмимиз келади. Эҳтимол, шунинг учун ҳам уларнинг сони кўпайиб кетаётгандир!**

**Орифжон СОБИРЖОН ўғли, ТошПИ талабаси**

## Марина ЦВЕТАЕВА:

# СЕВГИ ҲАҚИДА

### ҚУНДАЛИК ДАФТАРДАН САТРЛАР

● «АГАР сиз икки кишини севсангиз, демак ҳеч кимни севмайсиз!» — Кечирасиз, агар мен Н. дан ташқари Хенрих Хейнени ҳам севсам, «Биринчисини севмайсиз» деб айтолмайсиз. Демак, бир вақтнинг ўзида ҳаёт ва марҳум кишини севиш — мумкин. Энди тасаввур қилинг: Хенрих Хейне — тирик ва ҳар бир дақиқада менинг хонамга кириб кела олади. Аслида мен ҳам, Х. Хейне ҳам ўша-ўша — бутун фарқ — унинг хонамга кириб келишида.

Шундай қилиб, севгим икки шахсга қаратилсаю, уларнинг ҳар бири хонамга кириб кела оларкан — бу севги эмас. Икки шахсга бўлган севгининг чинакам муҳаббат бўлиши учун улардан бири ё мендан 100 йил аввал яшаган ёки умуман, дунёга келмаган бўлиши керак. Бундай ҳол эса ҳар доим ҳам юзага келавермайди.

● ҚАНДАЙДИР бўлагинг эвазига бировни ўзинггга мафтун этгандан кўра уни тамоман йўқотганинг афзалдир. Саркарда ғалабадан сўнг, шоир достонини тугатгач — қаерга боради? — аёл ҳузурига.

Осмоннинг ягона имконияти довулга айланиш бўлганидек, эҳтирос ҳам инсонга ўз-ўзини фош этиш учун берилган сўнгги йўлдир. Инсон — довул, эҳтирос уни эритиб юборувчи осмондир.

● СЕВГИ ва оналик деярли бир-бирларини инкор этади. Чинакам оналик — жасоратдир.

● СЕВИШ — инсонни худо қандай яратган бўлса, шундайлигича кўришдир.

Севмаслик — уни отаонаси рўёбга чиқаргандек кўриш.

Севмай қолиш — унинг ўрнида стол-стулни кўргандек гап.

● УЛҒАЙГАНИМИЗ сари эҳтиёжларимиз ортиб боради. Болаликда — ширинликка, ёшликда — муҳаббатга ўч бўлсак, кексайганимизда фақат моҳиятни муҳим деб ҳисоблайдиган бўлиб қоларканмиз.

● МЕНИ ЎЗИНГГА фақат мовий осмонинг билангина маҳлиё этишинг мумкин. У шундай осмон бўлсинки, унинг бағрида ҳатто менга ҳам жой етмасин!

## Муҳаббатнома

### ИШҚ АРО

**Қоматингга кўнгил қушим ўргилиб айлонадир,**
**Воз кечиб ўз жисмидин сенга ажаб парвонадир.**
**Не бўларки, зор ҳолима бир қиё боқсанг санам,**
**Шод ўлиб парвона ҳам ўзни ҳумо сайлонадир.**
**Бу фалак субҳи эмас, чарх яқосин чок айлаган,**
**Бунда ким қон йиғлаган кўнгилдан бир нишонадир.**
**Бу юрак ишқ марзаси ҳосиллари дард-ҳасрати,**
**Умр ўтмай баҳорида не фасли хазонадир.**
**Кел, тезда кел, зор жисмима минг оловлар ёнадир,**
**Боғланиб дилга тамом, ёш жоним яксонадир.**
**Ёр йўлингда заҳматим, бир қиё боқсанг агар,**
**Билки, бул дам айланур бари дуру дурдонадир.**
**Демагил, эй, дўсти ёр, билки, Раъно девонадир,**
**Ишқ аро девоналик одати шарқонадир.**

* * *

**Шулмиди, тақдир азалнинг нотавон куйида мен,**
**Тилни гоҳо тишладим лол сўзларим уйида мен.**
**Тушганим қайси дайирки, кимсалар сўз англамас**
**Қисмат омин айтди ҳайҳот шум сақар бўйида мен.**
**Сотиб ишқни разилликка кечарлар гоҳи ўзликдин,**
**Қайси дилда дош берай дод, бундайлар раъйига мен.**
**Куйласам лайлоча ишқни уфқ ёнар дуд оҳима**
**Чунки оллоҳим муҳаррат аршининг пойида мен.**
**Раъно кўнглинг армуғон эт, чархи оқиб субҳига**
**Ўзга бир оламга отсин ки фалак ёйида мен.**

**Раъно ИСМОИЛОВА.**
**Фарғона вилояти.**



Сенга ҳавас билан боққан нигоҳлар
Сен каби шодумон кунга етишсин.



Н. МУҲАММАДЖОНОВ суратлари.

## Йигитлар—қизлар ҳақида

# Иллатнинг илдизи қаерда?

ҲЕЧ АТРОФИНГИЗГА эътибор бераяпсизми, гап-сўзларга қулоқ тутаяпсизми? «Бузуқчилик кўпайиб кетмоқда, қизларимиздан шарм-ҳаё кўтарилган, фоҳишалик, қўшмачилик одатий ҳолга айланиб бораяпти», дейишмоқда. Нима сабабдан? Бу саволга ҳеч ким аниқ жавоб айтолмайди. Биров иқтисодий етишмовчилик деса, биров ҳаётга енгил қарашдан, дейди. Сиз-чи, сиз бу иллатнинг илдизи қаерда дейсиз, азиз муштарий?

Эслашга ҳаракат қилинг: Автобусда, метрода, трамвайда, кинохоналарда йигит-қизларни ўпишиб ўтирганини кўрганмисиз? (Гап фақат ўзбек қизлари ҳақида бораётганини унутманг!) Кечки ресторанларда жазавага тушиб, ер тепиб, рақс тушаётганларини-чи? Йигитлар билан баб-баравар «оқ» уриб, кўчакуйда гандираклаб юрганларини-чи? Балки, эшитган чиқарсиз, ҳар бир меҳмонхонанинг «махсус» фоҳишалари бўлишини. Қулоғингизга чалингани бордир, видео аталмиш уятхоналарда, бугун ўзбек қизлари шаҳвоний ҳирсни қўзғатувчи кинoларга тушаётганларини... Бўлди, дейсизми? Хўп, бўлди қиламан. Лекин сиз менга айтинг-чи, нима бу?! Қиёмат-қоим бошланишидан далолатми?! Оврўпа маданиятининг, Осиё маданиятига акс-таъсирими?!* Бошингизни чангалламанг. Бу ҳали бор-йўғи бошланиш.

Энди эсимни таний бошлаганимда эшитган бир гапим, хотирамда муҳрланиб қолган экан: «Фалончининг қизи ўзини сувга ташлабди. Писмадоннинг ўғли гап отган экан. Кейин йигит ҳам ўзини нобуд қилибди. Ҳай аттанг-га иккаласи ҳам ҳур кетди»...

Момом куйиниб гапириб қоладилар. «Биз яшаган замонларда, бировнинг бузуқлигини билиб қолишса, ўша заҳоти ё тошбўрон қилишарди ё сазойи қилиб, уруғ-аймоғи билан қишлоқдан бадарға қилишарди»...

Ўсмирлигимда кўрган-эшитганим бор: «Фалончи қизини суйганига бермаган экан, суд қилишибди. Бечора қизининг тўйи куни қамоқда экан»...

Бугунги кунда кўрган-билганларимдан: «Фалончининг қизи эрсиз туққан экан, чақалоғини болалар уйига топширибди,» «Фалончининг бир боласи бор эди, онасига ташлаб турмушга чиқиб кетибди. Йигит ҳеч нарсани билмабди. Қойил-ей»!...

Ҳаммасини биламиз-ку, нега такрорлаяпсан дейсизми? Тўғри, бу гаплар янгилик бўлмай қолди, лекин бизнинг қойил қолишимиз-чи? Нимага қойил қолаяпмиз ўзи?! Йигит бечоранинг соддалигигами, ё қизнинг устамонлигига-ми? Ўзлигимизни, ўзбеклигимизни, миллий қиёфамизни шунчалик тез йўқотиб қўйганимизгами? Қадриятларимизнинг ўлиб бораётганигами? Айтинг ахир, нимага?!

Ўтган йили пойтахтнинг талабалар шаҳарчасида чет эллик илм толиблари билан бизникилар жанжаллашиб қолишди. Бу анча-бунча шов-шувга сабаб бўлди, ҳаттоки, сиёсатга ҳам буришди. Аслида бу жанжал қизларнинг устида бошланган экан. Қизларимизнинг арзимаган нарсалар учун чет эллик талабалар билан алоқа қилиши, ориятли йигитларнинг қаҳрини қўзғатган. Лекин бу учун йигитларга ҳеч ким баракалла, демади. Аксинча, судма-суд судрашди. Ўқишдан ҳайдашди. Хуллас айбдорлар қолиб, ория талашганлар жавобгар бўлди...

Менга бир суд жараёни ҳақида гапириб беришганди: Бузуқ аёлни қўшнилари судга берибди. Текшириб кўришсаки, ҳали бирор марта қонуний турмуш қурмаган, лекин икки боласи бор. Ундан сўрашибди, «болалар кимники?» У жавоб берибди, «ўзимники». Яна сўрашибди, «отаси ким». Жавоб берибди, «Қайси, кимданлигини ўзим ҳам билмайман». Унинг безбетлигини кўриб, ноилож насиҳат қилишга ўтишибди, «Бу йўлга юрманг, уят бўлади ахир». Аёлни жазаваси қўзибди, «Қайси йўлдан юриш — бу менинг шахсий ишим. Нима суд менга хўжайинми. Сизлар мени конституцион ҳуқуқимга дахл қилаяпсизлар, арз қилишим мумкин...» Унга рухсат бериб юборишибди.

Бу бизнинг жамиятимизга хос одиллик. Ҳақиқатда ҳам эрсиз туққанлик учун жазоламайдилар. Сазойи қилиш эса, «эскилик сарқити». Бу «йўл»дан юрувчилар ўзларининг конституцион ҳуқуқларини жуда яхши билади.

Алиментчи аёллар ҳақида-чи? Мен биттасини биламан. Етти марта қонуний турмуш қилган ва ҳар сафар маоши яхши эркакларни танлаган. Бир фарзандли бўлгандан кейин ажрашган. Болаларини болалар уйига топширган-у, бироқ «йўлини» қилиб ҳамма эрларидан алимент олади. Ҳар ойига ўртача 500-600 сўм пул оқиб келаверади. 500 сўм учун бир деҳқон бир йил ишлайди. У эса ўтирган жойида олади. Қани бир нарса, деб кўринг-чи, дарров оғзингизга «қонун» билан уради... Нега бошингизни чайқаяпсиз, ёлғонми? Ҳа «ёлғиз она»ларчи, демоқчимидингиз. Ҳа энди уларни қонун росаям «паноҳ»ига олган. Бир турмуш қуриб, бир фарзанд билан ажрашиб олса бўлди. Навбатсиз уй, касаба уюшмасидан ёрдам пули. Ўша «ёлғиз она» ишдан кейин нима билан шуғулланишини суриштириб ҳам кўрмаймиз. Суриштириб кўришга ҳаққимиз ҳам йўқ. (Мен ёлғиз оналарнинг ҳаммаси ёмон дейиш фикридан йироқман. Баъзиларини турмуш, баъзиларини эрнинг нобоплиги... мажбур қилган бўлиши мумкин.)

Қизлар ҳақида гапириб, нега аёлларга ўтиб кетдинг, дейсизми? Ахир улар ҳам кеча «қизлар» эди. Нима, қизларни кўп маломат қилиб юбордимми? Уар мен маломат қилмоқчи эмасман, фақат бўлиши мумкин бўлган, янаям тўғрироғи бўлиб турган «иш»лар ҳақида гапиряпман. Қизларимизнинг ҳаммаси ёмон бўлиб кетган, демоқчи ҳам эмасман. Бокира қизларимиз жуда ҳам кўп. (Илоё, бундан ҳам кўпайсин!) Илло, бокира опа-сингилларимиз олдида, қизлар ҳақида шундай қўпол фикр юритишга давр мажбур қилаяпти.

Мен бу мақолада бировга таъна ҳам, насиҳат ҳам қилмоқчи эмасман. Фақат сиз азиз муштарийларни баҳсга чорламоқчиман. Айтинг, қизларимиз, худди Қодирий бобомизнинг Кумушидек бокира, иффатли, шарм-ҳаёли, иболи, ғурурли, ориятли бўлиши учун нима қилишимиз керак? Ахир қўл қовуштириб ўтирганимиз билан, ўзига инсоф берсин, деганимиз билан ҳеч нарса ўзгармаяпти-ку?...

И. ҲАМРОЕВ,
журналист.

## Алишер Навоий рубобиётидан сабоқлар

# «...ЁР УЗАР БЎЛСА МУҲАББАТ РИШТАСИН...»

Алишер Навоий ғазалиётида бугунги инсоний, оилавий муносабатларга ҳам ибрат бўлгулик ҳаётий сабоқлар, кечинма, мулоҳазалар мужассам асарлар кўп. Мана, шундай ғазаллардан бири:

**Кимки, онинг бир малаксиймо париваш ёри бор,**
**Одами бўлса, пари бирла малакдин ори бор.**
**Кеча улким чирманур бир гул била, не тонг, агар**
**Ғунчадек ҳар субҳ ўлуб хандон нашот изҳори бор.**
**Йўқ ажаб булбулға гул шавқидин ўлмоқ зорким,**
**Пардин ўқ жисмиға сончилғон ададсиз хори бор.**
**Белингу лаълинг хаёлоти била кўнглум эрур**
**Анкабутеким, онинг жон риштасидин тори бор.**
**Сунбули зулфи агар ошуфтадур, айб этмаким,**
**Гул юзида ётқон икки нозанин бемори бор.**
**Айлаб ўзни масту беҳуд чиқмасун майхонадин,**
**Кимки мендек давр элидин кўнглида озори бор.**
**Эй, Навоий, ёр узар бўлса муҳаббат риштасин,**
**Келмас ўлса ул сенинг сори, сен онинг сори бор.**

Ғазал Навоийнинг ўрта ёш лирикасига мансуб. Ишқий мавзуда битилган. Етти байтдан иборат. Услубдан, таъриф ва ҳажр уйғунлашган аралаш хилга оид. Композициясига кўра, яхлит ғазал. Рамали мусаммани мақсур вазнида битилган. Ҳаётий тажриба, реал турмуш кузатишлари заминида юзага келган ижтимоий хулосалар ғазалнинг ғоявий моҳиятини ташкил этади.

Ғазалнинг биринчи байтиёқ вафо, садоқат, фидойилик каби олижаноб инсоний туйғулар билан йўғрилган. Ягона инсон муҳаббати билан яшаш, ўз севгиси ва севгилисига садоқат Навоий замонида қанчалар долзарб ижтимоий муаммо бўлса, бизнинг давримизда ундан ҳам муҳимроқ ижтимоий-ахлоқий масаладир. Ўз умр йўлдошларига содиқ яшайдиган, ҳаттоки, «пари бирла малак»ка қайрилиб боқмайдиган ўғлонлардан чин севги соҳиблари Навоийнинг юксак орзусидир. Навоий шундай ошиқона орият — одамийликнинг асосий шартларидан эканлигини алоҳида уқтиради. Бу Навоийнинг шоҳ байтларидан бўлиб, унда шоир мазмун салмоқдорлиги ва таъсирчанлигини тарди акс (терс такрор) санъатини «малаксиймо париваш» ва «пари бирла малак» шаклида маҳорат билан қўллаган.

Шоир вафо асосига қурилган ҳаётнинг инсон фароғати ва камолоти учун нақадар ижобий аҳамиятга эга эканлигини иккинчи байтдаёқ кўрсатади:

**Кеча улким чирманур бир гул била, не тонг, агар**
**Ғунчадек ҳар субҳ ўлуб хандон нашот изҳори бор.**

У оилавий фаровонликдан баҳраманд кишини тонгла гулга очилиб, чор атрофга чирой улашаётган, муаттар ҳидлар таратаётган ғунчага қиёслайди.

Ғазалнинг навоийвор тузилишига кўра, кўпгина асарлар мавзу ва ғояни баён этиш, уни бадиий шаклда умумлашма хулоса чиқариш каби қисмлардан иборат бўлади. Юқорида биринчи қисмнинг ифодасини кўрдик. Учинчи байтдан мавзу ва ғояни бадиий шарҳлаш бошланади.

Шоир юқорида севикли ёр васли ғаниматлиги ҳақида фикр юритган эди. Энди ўша фикрни қувватлаш мақсадида гул ва булбул тимсолида айрилиқ изтироби манзараларини ҳам чизади.

**Йўқ ажаб булбулға гул**
**шавқидин ўлмоқ зорким,**
**Пардин ўқ жисмиға**
**сончилғон ададсиз хори бор.**

Классик шеъриятимиз саҳифаларида булбулнинг гулга шайдолигини акс эттирувчи минглаб байтларни кўздан кечириш мумкин. Уларнинг аксариятида булбулнинг гулга муносабати тавсифий характерда, ахборот тарзида баён этилган. Навоий эса мазкур байтда бадиий фикрни ҳаётий тафсиллар билан асослаш йўлидан борган. Шоирнинг талқинича, булбулнинг гулга бўлган муҳаббатига унинг шайдолигигина эмас, балки ҳамдардлиги ҳам боисдир. Гулга булбулнинг ҳамдардлиги боиси шундаки, булбулнинг жисмига пардан ясалган ўқлар каби тиканлар санчилган. Худди шунингдек, гулнинг бадани ҳам тиканлар билан ўралган. Гулнинг мана шу озурдажонлигига куюниш булбулнинг гулга меҳрини янада кучайтирган. Бадиий фикрнинг бу қадар топқирлик ва нафосат билан асосланиши шарқ бадиияти илмида «ҳусни таълил» деб юритилган. Рамзий образлар орасидаги бундай мутаносиблик асосида реал инсоний муносабатлар ётади. Инсоннинг инсонга муҳаббати замирида ҳам маҳбубанинг фақат ташқи чиройидан баҳрамандлик эмас, балки унинг маънавий оламига яқинлик, у билан ҳаммаслаклик, ҳамдардлик мужассам бўлади.

Кейинги байтдан маҳбуба гўзаллигининг муайян қирралари ва гўзаллик шавқидаги муҳиб кечинмалари аёнлашади:

**Белингу лаълинг хаёлоти**
**била кўнглум эрур**
**Анкабутеким, онинг жон**
**риштасидан тори бор.**

Тасвир доирасига маҳбубага доир бел ва лаб, муҳибга доир кўнгул образлари тортилган. Уларнинг тасвири анкабут, жон риштаси ва тор образлари орқали юзага чиқарилган. Бадиий маҳорат ҳар қандай дағал жисм ёки ёқимсиз жониворни нафислаштириш қувватига эга бўлади. Навоий ғазалиётида моҳирона қўлланган бундай образлардан бири «анкабут» — оддий ҳашарот ўргимчакдир. Бир қарашда, ҳеч бир ижобий хусусияти сезилмайдиган, хусусан, нафис адабиётдан йироқ бу жониворданн шоир лирик тасвирга хос қандай имконият топдийкин? Ўзи тўқиган торларда ўрмалаб юриш анкабутнинг ҳаёт кечириш тарзи. Унинг ҳаётини ўша торларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шоир лирик қаҳрамоннинг кўнгли ҳолати билан анкабут, маъшуқа бели билан анкабут торлари орасида монандлик кўради. «Бел» ва «лаъл» образларига «жон риштаси» мутаносиб келади ва шу усул билан шоир белнинг ингичкалиги, лабнинг нафис-юпқалигига ишора қилади. Байтдаги образлар муносабатидан «бел ва лаъл — кўнгулнинг жон ришталари», деган фикр англашилади. Шу йўсинда ошиқ қалбнинг муддаоси назокатли тарзда англатилади.

Навбатдаги байт ғазални яратиш чоғидаги Навоий илҳоми ва санъаткорлигининг авж нуқтасидан далолат беради:

**Сунбули зулфи агар**
**ошуфтадур, айб этмаким,**
**Гул юзида ётқон икки**
**нозанин бемори бор.**

Шоир зулф ва кўз тасвирини яратмоқчи бўлади. Ҳайратомуз йўл тутиб, бу икки аъзонинг жонли тасвирини вужудга келтириш учун уларни бир-бирига поэтик восита сифатида хизмат қилдиради. Биринчи мисрада «сунбул» ва «ошуфта» сўзлари биланоқ зулфнинг таърифу тасвирини бериб қўя қолади. Ғазалхон маъшуқа зулфини «ошуфта сунбул» сифатида тасаввур эта бошлайди. Лекин унга сунбулий зулфнинг паришон ва ғамгинлиги боиси ноаён. Бу ҳолнинг сабабини аён этиш, демакки, зулф тасвирини янада кучайтириш мақсадида шоир кўз образига мурожаат қилади. Гул чеҳранинг сузук ва мастона кўзларини «икки нозанин бемор»га менгзайди. Яна «ҳусни таълил» санъатининг нодир имкониятидан фойдаланиб, зулф ҳолатини кўзлар аҳволи манзараси билан асослайди. Бу иккала мисрадаги тасвир чунонам бир-бирига эш ва чамбарчас боғлиқки, уларни бир-бирисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шоир бунда сабаб ва оқибатнинг диалектик таносубига эришган. Биринчи мисра байт бадииятидаги оқибатни ифодаласа, иккинчи мисра сабабни англатади.

Навоий олтинчи байтда лирик мазмунни бадиий якунлашга ўтади:

**Айлаб ўзни масту беҳуд**
**чиқмасун майхонадин,**
**Кимки мендек давр элидин**
**кўнглида озори бор.**

Шоир бадиий туғалланмани ғазалнинг дастлабки қисмлари билан мантиқий узвийликда яратади. Биринчи ва олтинчи байтлардаги «кимки» сўзлари муайян тоифадаги кишиларни англатади. Илк мисрадаги «кимки» — «бир малаксиймо париваш ёри бор», яъни 1-6 байт оралиғида тасвирланган гўзаллар ишқидан баҳраманд бахтиёр киши образи. Олтинчи байтдаги «Кимки» эса — «бир малаксиймо париваш ёр»дин ҳижрон чеккан. (ўз замондошларидан озордан ўзга роҳат кўрмаган), 1-6 байт мобайнида ҳусну жамоли зуҳур этган гўзаллар васлидан бенасиб «ушшоқи зор» тимсоли. «Мен» сўзи қўлланмаганида ҳам, бу тимсол замиридаги Навоийнинг ҳаётий сиймосини таниб олар эдик. Чунки ғазалнинг навоийвор тузилиши, тасвир табиати, бахтиёр ошиқ билан «кўнглида озори бор», «масту беҳуд» ринд қиёфасининг қиёси буни аниқ айтиб туради. Бу сатрлар ғазал мухлисларида Навоийнинг шахсий изтиробларига яна бир бор ҳамдардлик туйғуларини уйғотади.

Шоир ғазални нақадар зукко мушоҳада билан бошлаган бўлса, шунчалик теран ҳаётий ўгит билан якунлайди:

**Эй, Навоий, ёр узар бўлса**
**муҳаббат риштасин,**
**Келмас ўлса ул сенинг сори,**
**сен онинг сори бор.**

Бир-бирини тан олмаслик, худпарастлик, такаббурлик иллати ҳар қандай инсоний муносабатларга ҳамиша раҳна солиб келган. Шоир айрилиқ хавфидан огоҳ этади ва ўзликдан кечиб, ёр васлига сазовор бўлиш, уни қадрлашни маслаҳат кўради.

Бу назмий хулоса асрлардан бери ўзининг ҳаётий қудратини сақлаб келмоқда. У Навоий замондошлари учун қанчалик қадрли бўлса, бизнинг давримиз фарзандлари ва келажак насллар учун ундан ҳам кўпроқ сабоқ бўлгулик аҳамиятга эга.

**Нусратулло ЖУМАЕВ.**

## ДАСТЛАБКИ СИНОВ

Италияда ўтган жаҳон чемпионати тугаганига ҳали кўп бўлмади. Лекин баҳслар, турли хил тортишувлар давом этаяпти. Чемпионат тугамасиданоқ (бизнинг терма командамиз навбатдаги ўйинларда қатнашишдан маҳрум бўлгач), ҳамма жойда совет терма командасининг муваффақиятсизлиги сабаблари, хомчўт қилинган бўлғуси тренерлар таркиби ҳақида баҳслар тўхтовсиз давом этди. Мана бу орада А. Бишовец сайлов асосида мамлакат терма командасига бош тренер этиб сайланди. Машаққатли синовлар энди бошланаяпти...

Шу ўринда икки оғиз Олимпия терма командамиз ҳақида: ҳозир унга В. Сальков бошчилик қилаяпти. Албатта ўйинчилар сафида катта ўзгаришлар бор. Кеча дастлабки ўйин бўлиб ўтди. Москвадаги «Локомотив» стадионида улар руминиялик тенгқурлари билан майдонга тушдилар. Бош тренер таклиф этган ўйинчилар таркиби қуйидагича эди: Пчельников, Помазун — дарвозабонлар, Шустиков, Тишков, Захаров, Кирьяков, Бенько, Беженар, Саленко, Морозов, Заец, Тимошенко, Чугайнов, Радченко, Тедеев, Онопко, Никифоров — ўйинчилар. Энг қувончлиси шуки, бу рўйхатда юртдошимиз, «Пахтакор» командасининг ажойиб ўйинчиси Миржалол Қосимов ҳам бор. (Афсуски, бу матч ойнаи жаҳон орқали олиб кўрсатилмади...)

Бугун эса биринчи терма командамиз аъзолари Руминия терма командаси билан учрашади. (Эслатиб ўтамиз: 11 сентябрь куни олимпиячиларимиз, 12 сентябрь куни эса терма командамиз футболчилари норвегияликлар билан Европа чемпионатининг саралаш ўйинларини ўтказадилар).

* * *

Мамлакат чемпионатининг иккинчи лига Шарқий зонасида қатнашаётган командалар ўртасидаги кураш кескин тус олаяпти. Биз мухлислар илтимосига кўра, ана шу зонада ўтказилган навбатдаги тур учрашувлари натижаларини эълон қилаяпмиз. «Навбаҳор» — «Химик» — 2:1, «Спартак» — «Олға» — 0:5, «Целинник» — «Океан» — 0:1, «Экибастузчи» — «Амур» — 1:1, «Шахтёр» — «Автомобилист» — 3:1, «Қайсар» — «Нефтяник» — 1:0, «Звезда» — «Мелиоратор» — 1:0, «Иртиш» — «Сўғдиёна» — 2:0, «Копетдағ» — «Сурхон» — 6:0, «Зарафшон» — «Вахш» — 2:1, «Трактор» — «Динамо» — 3:1.

## Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодлар

# Рангларда мужассам жасорат

Шунчалик бефарқ бўлиб кетганмизки, баъзан ён-атрофимизда яшаётган кишилар ҳаёти билан дурустроқ қизиқмаймиз. Белгилаб олган йўл чизиғимиз битта: уй-ишхона-уй. Худди чумолига ўхшаймиз. Лекин, меҳр-оқибат, шафқат каби нозик инсоний туйғулардан йироқлашиб кетаётганлигимизни билмаймиз.

Мен Рауф Аҳмедов ҳақида илк бор Чиноз ноҳия рўзномасида мақола ёзганимда одамлар наҳотки бизда шундай матонатли йигит яшаётган бўлса, деб ажаблланишганди. Буни ҳам қўяверинг, Рауфнинг истеъдоди ҳақида ҳатто ён қўшнилари ҳам рўзномада мақола чиққандан сўнг билишибди. Кейинчалик «чинозлик Корчагин» тўғрисида жумҳурият рўзномаларида ҳикоя қилдик, Ўзбекистон ССР халқ депутати, шоир Карим Баҳриев ҳамда «Ёшлик» студияси билан ҳамкорликда телекўрсатувлар тайёрладик. Бутун Ўзбекистон жасоратли рассом ҳаётига қизиқиб қолди, рўзнома редакцияларига, рассомнинг ўзига хатлар ёмғирдек ёғилди. Илгарилари ҳатто ўртамиёна раҳбар ҳам келмайдиган «Ойдин» қишлоғига жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазири, машҳур рассом ва ёзувчи, журналистлар ташриф буюришди. Тошкентдаги Охунбобоев, Чиноздаги К. Цеткин ва Бобур номидаги ўрта мактабларнинг биттадан пионер отрядига Рауф Аҳмедов номи берилди, пойтахтда [illegible] вилоятида унинг кўргазмалари ташкил этилди.

Тақдир зарбасига учраган Рауфнинг жасорати ҳақиқатан ҳам ҳайратангиз эди. Бошқа одам бўлганда умидсизликка тушиб, осмонга қараб ётаверарди. Лекин, у курашди, судралиб бўлсада, мактабда ўқиди. Баъзан юролмай қолганда синфдошлари елкаларига опичиб, мактабга олиб бориб, олиб келишарди. Ўқиш ҳам битди. Тошкентда ўқий деса, оёғи ўзига бўйсунмайди. Бундан ташқари, қайта-қайта жарроҳлар қўлига тушавериб, шифохоналарда ётавериб аъзойи бадани кучсизланган. Баъзан алламаҳалгача расм чизиб чиқади, бутун аламини расм чизиб чиқаришга уринади.

Рауф отасининг бир рус дўсти маслаҳати билан Москвадаги СССР халқлари санъати сиртқи халқ дорилфунунига ҳужжат топширди. Имтиҳонлардан ўтай деб ўзини ўзи азоблади: тонг отгунча машҳур рассомлар усулларини ўрганди, даста-даста расмлар чизди. Бундай машаққатли меҳнатга оёқ-қўли бут одам ҳам дош беролмасди. Лекин, у дош берди, шундоққина қуруқ шолчага мук тушиб ишлайверди. Бели толганда узун ёғочга мўйқаламини қистириб, деворга илинган махсус мосламага чизди. Кўпинча раҳматли Моҳира хола ўғлининг қўлида мўйқалам, деворга суяниб ухлаб қолганини кўрарди.

Ниҳоят машаққатли ўқиш ниҳоясига етди: қўлига диплом тегди.

Дастлабки йиллари велосипедга суяниб, Чинознинг Олмазоридаги мебель фабрикасида безовчи рассом бўлиб ишлаб юрди. Кейинчалик соғлиги, ёмонлашгач, уйда ишлай бошлади.

Хуллас, Рауф шуҳрат қидирмади, шуҳратнинг ўзи қидириб келди уни. Беш ёшидан бошлаб чеккан азоб-уқубатлари, ижод машаққатлари бекор кетмади: у энди катта, равон йўлга чиқиб олган эди...

— Рауфимнинг ҳам тўйини кўрсам, ўлсам армоним қолмасди, — деган эди раҳматли Моҳира хола.

Рауфга икки мингдан зиёд мактуб келган. Шулардан ярми қизлардан. Кўпчилиги тақдирини унинг тақдири билан боғламоқчи бўлади. Бундан онасининг боши осмонга етади. Эшик қоқиб борса ўша қизларнинг бири розилик бериб юборишга ишонади. Лекин Рауф онасининг соддалигига ичида кулади, меҳри товланади.

— Қўяверинг, қаердадир кимдир пешонамга ёзилгандир, — дейди.

Рауфнинг пешонасига ёзилгани Гулистон ноҳиясидаги «Крестьянский» қишлоғида яшовчи сулув қиз Муножотхон бўлиб чиқди. Ҳаёт аччиқ-чучугини хўп тотиган Ҳошим ака тантилик билан тўйга розилик берди.

Чинозда ҳали бугунгача дабдабали, тумонат одам қатнашган тўй бўлмаган. Даврани Дадахон Ёқубов олиб борди, таниқли рассом, ёзувчи, журналистлар икки ёшга бахт тилашди. Моҳира хола эса қувонганидан ҳадеб йиғларди...

Рўзномада Рауф Аҳмедовнинг номзоди Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига қўйилганлигини ўқидиму, уларникига шошилдим.

— Бу хонадонда қўш қувонч устидан чиқдим: Рауф ва Муножотхонлар қиз кўришибди. Исмини Дилрабо қўйишибди. Чиноз ноҳия ижроия қўмитасининг қарори билан Чиноз қишлоқ шўроси уларга уч хонали уй ажратибди.

— Яқинда янги уйда ҳовли тўйи ўтказамиз, — деди Рауф.

Матонатли рассом ҳамон кечаю кундуз куч-ғайрат билан ишлайди. У теша тегмаган, одамларнинг тил учида турган муаммоли мавзуларни ўйлаб топади. «Муштум»нинг шу йилги 10-сони биринчи муқовасида Рауфнинг расм-топишмоғи берилибди. Оила бошлиғи эски кийимда, соч-соқоли ўсган ҳолда қўлидаги ўттиз сўм маошини бир этак боласи билан турган турмуш ўртоғига кўрсатяпти. Бояқиш аёлнинг тишлари тушиб кетибди, болаларнинг эгни юпун, Эр-хотиннинг қиёфасида мустарлик, ҳайронлик, қайғу-алам сезилиб турибди. Рассом ўзбек пахтакорининг турмушини тўғри тасвирлаган.

— Биласизми, — деди Рауф, — яқинда қайсидир рўзномада СССР бўйича деҳқонларнинг ўртача ойлиги, 120, ўзбек деҳқонининг ойлиги эса атиги 40 сўмни ташкил этишини ўқиб қолдим. Ана шу мавзуда расм чизиш фикри туғилди. Чиздим. «Муштум»да беришди. Журналнинг бош рассоми Эмиль Рўзибоевга ҳам ёқибди.

Баъзан айрим раҳбарлар тилда ошкораликни ёқлайдилару, амалда унга қарши курашадилар. «Муштум»нинг муқовасида чиққан расмга назар ташланг: минбарда қандайдир амалдор раҳбар ваъз ўқияпти, уни тинглаётган кишиларнинг оғизлари эса рўмол билан боғлаб қўйилган. Расмга кўз ташлашингиз билан гап нимадалигини англайсиз.


Рауф Аҳмедов номзоди Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига қўйилганлигини Москвадаги СССР халқлари санъати сиртқи халқ дорилфунуни ўқитувчилари қизғин қўллаб-қувватладилар, унинг номзоди бу юксак мукофотга лойиқ эканлигини таъкидладилар.

«Қизил Октябрь» жамоа хўжалиги янги маъмурий идорасининг каттагина зали «Муштум» журнали жамоаси томонидан келгусида ташкил этиладиган «Сатира маркази» учун ажратилди. Бу ерда жумҳурият ҳажвчи рассомларининг янги расмлари, ҳажвий видеофильмлар кўрсатилади. Унинг ёнидаги алоҳида хонада эса Рауф Аҳмедовнинг шахсий кўргазмаси бўлади.

Деярли ҳар куни Рауфларникига даста-даста хатлар келиб турибди. Хатларнинг муаллифлари рассомнинг номзодини қўллаб-қувватлашларини айтиб, унга ижодий муваффақиятлар тилайдилар.

**Эсон ҚОСИМОВ.**



*Тоғ қўйнида*

Суратқаш Ж. БОБОРАҲМАТОВ.

## Кашшофлар ёзи

# «Гулхан» бағрида

Жумҳуриятимиз мактаб ўқувчиларининг ёзги таътили ниҳоясига етди. Таассуротлар...

Тошкент вилоятининг Оржоникидзе ноҳиясидаги Байтқўрғон қишлоғи бағрида жойлашган, мевали ва манзарали дов-дарахтлар билан қуршалган «Гулхан» кашшофлар лагери дарвозасидан аста ичкари кириб борар эканмиз, Қорасув анҳори устидаги чорпоя эътиборимизни ўзига тортди. Истиқболимизга отрядлардаги ишларнинг боришини назорат қилиб юрган 28—30 ёшлардаги йигит пешвоз чиқди. Саломаликдан сўнг маълум бўлишича, бу йигит Ботирали Мусаев шу оромгоҳнинг раҳбари экан.

— «Очиқ ҳаво — танга даво» дейишади донолар. Дарҳақиқат шундай, — деб сўз бошлади Ботирали, — биз ҳам ўз навбатида кашшофлар лагеримиз ҳавосининг нечоғли соф, мусаффо бўлиши учун бор куч ва ғайратимизни аямадик. Ҳар бир мавсумда 165 нафар ўғил-қиз мазмунли дам олди. Улар оромгоҳдаги хилма-хил спорт мусобақаларида ва тўгаракларда фаол қатнашдилар.

Директор билан суҳбатимиз асносида оромгоҳда яқинда «Зарница» ҳарбий-спорт ўйини ва бешта отряд иштирокида «Қувноқлар ва зукколар» кўрик-конкурсида иккинчи отряд ғолиб чиққанини билиб олдик. Шунингдек, Ботирали Мусаев бизга яқин кунларда «Алло, биз талантларни излаймиз!» конкурси ғоят қизиқарли ўтганлигини мароқ билан гапириб берди.

Оромгоҳнинг беғубор ва бахтли болалик кулгусига тўла серфайз қўйнидан олам-олам таассуротлар билан қайтар эканмиз, бу ерда ёзги таътилни ўтказган ўқувчиларнинг айримлари билан ҳам суҳбатлашдик.

**Зиёда УМАРОВА** (2-отряд):

— Мен мана шу «Гулхан» хўжаликлараро лагерини жуда ёқтираман, шу боисдан ҳам кейинги тўрт йилдан бери шу ерда дам олаяпман.

**Нилуфар АСЛАНОВА,** (4-отряд);

— Мен ҳам дугонам Зиёдага ўхшаб, мана шу лагерни ёқтириб қолдим. Янги ўқув йилини тетик руҳ билан қарши олмоқдамиз.

**Холида МИРСАЛИМОВА,**
**«Ёш ленинчи» жамоатчи мухбири.**

**ФАН, МАКТАБ ВА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ БЎЛИМИдан: Ушбу мақола билан рўзнома саҳифаларида ўқувчиларнинг ёзги таътил онларини ўзида акс эттирган материалларга нуқта қўямиз. Ҳамда мазкур мавзуда бизга мактуб йўллаган барча муштарийларга ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.**

## ТВ

**30 АВГУСТ — ПАЙШАНБА**

● **УзТВ I**

11.30 «Нижегородлик болалар ансамбли чалади». Фильм-концерт. 12.00 «Дуброва». Телефильм. 12.30 УзТВ фондидан. И. Тўхтаев. «Қабрдаги хазина». Видеофильм. 1-қисм. 13.40 Такрорий фильмлар экрани. «Эҳтиёт бўлинг, буви». Кинокомедия.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар. 17.40 Абдулла Орипов. «Шукрона». Бир актёр театри. УзССР халқ артисти Омон Беганжиев ўқийди. 18.10 «Кубик», «Ўнгача санашни биладиган эчкича». Мультфильмлар. 18.30 «Қонун ҳамма учун баробар». 19.00 «Сайёра» ансамблининг концерти (Қўқон шаҳри). 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Алифбо сабоқлари». 20.20 Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 Ўзбек классик қўшиқларидан концерт. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Ғўза барги сифатли тўкилсин». Мутахассислар маслаҳати. 22.50 «Нафосат». Хотин-қизлар учун кўрсатув. 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● **УзТВ II**

18.05 Болалар учун. «Юлдузча» (рус тилида). 18.35 Чим устида хоккей бўйича СССР чемпионати. «Политотдел» (Тошкент вилояти) — «Связист» (Олмаота). Репортаж. 19.10 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Жамоат автотранспортидаги аҳвол ўзгарадими?».

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Борисони «Шашмақом». Панжикент ноҳияси. 22.00 «Ахбор». 22.20 «Дульсинея Тобосская». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. (рус тилида).

● **МТ I**

6.00 «120 минут». 8.00 «Ўртадаги киши учун лифт». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. Учинчи кўриниш — «Ўртоқ Архипов», 4-кўриниш — «Адолат». 9.15 «Инсон ва қонун». Ҳуқуқий видеоканал. 10.15 «Московский» давлат хўжалиги Маданият саройида композитор О. Иванов билан учрашув. 10.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 11.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.45 Болалар учун фильм «Руди меҳмонда» (Венгрия телевидениеси). Премьера. 16.45 «Мактаб». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Красноярск). 17.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 «Совет ватанпарвари». Киножурнал. 18.40 МТнинг олтин хазинасидан. Л. И. Андрониковнинг оғзаки ҳикоялари. 19.45 «Ўртадаги киши учун лифт». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. Учинчи кўриниш — «Ўртоқ Архипов». 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 «Глембай». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.40 Опера шинавандалари телевизион клуби. 22.50 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● **МТ II**

16.30 МТ хазинасидан. «Овоз йўлидаги икки портрет: Изабелла Юрьева ва Вадим Козин». 17.35 «Шоншавкатли Муром шаҳридан». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Россиядаги қадимий шаҳар ҳақида (Горький шаҳри). 17.55 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 18.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Катундаги қарама-қаршилик». «Катун лойиҳаси: муаммолар ва экспертизалар» конференцияси ҳақида (Новосибирск). 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Пластилин қарға». Мультфильм. 19.45 «Томошабинлар меҳри соврини» кинофестивали. «Коммунист портрети». Ҳужжатли фильм премьераси (Куйбишев кинохроника студияси). 20.25 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 20.30 «Торларда, клавишларда ва...». 21.05 Режиссёрлик санъати. Леонид Хейфец. 22.30 «Бу фантастик олам». Мангу дарбадарликлар ва Ер ҳақида Р. Брэдбери ҳикояси асосида телеспектакль. 23.00 Енгил атлетика. Европа чемпионати. Югославиядан олиб кўрсатилади.


Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР: ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 235512.